

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

Мардиев Шохрухнинг

**“Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк
солиғини бошқариш механизминини такомиллаштириш
(СавВДСБ маълумотлари бўйича)” мавзусида**

**5A230601 – “Давлат молиясини бошқариш”
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: доц. Мусаев Р.М.
Илмий маслаҳатчи: проф. Ходжаев Э.Н.

САМАРҚАНД – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Магистратура бўлими

Кафедра: Молия ва суғурта
хизматлари

Ўқув йили: 2014-2015

Магистрант: Мардиев Шохрух

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц.

Мусаев Раҳмат Мусаевич

Мутахассислик: 5A230601 –

“Давлат молиясини бошқариш”

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

“Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш
механизмини такомиллаштириш”

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Республика солиқ тизими қонунчилик асослари ҳамда солиқ сиёсатининг концептуал йўналишлари турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларни давлат бюджети билан бўладиган молиявий муносабатларининг асосини ташкил этади.

Солиқ сиёсати ва солиқ, тизимини такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қайта шакллантириш амалга оширилаётган бир даврда иқтисодий ислохотлар ичида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида молиявий муносабатлар, шу жумладан, корхона, ташкилот ҳамда бирлашмаларнинг давлат бюджети билан солиқлар бўйича муносабатлардаги ҳисоб-китобларини такомиллаштириш долзарб муаммо Бюджетга ундириладиган мол-мулкни солиққа тортиш ролини ошириш йўллари аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** кун тартибига чиқарилди:

- мол-мулкларни солиққа тортишни қарор топишини ўрганиш;

- мол-мулк солиғини бюджет даромадларини ташкил этишдаги ролини ёритиш, уни бозор иқтисодиёти шароитида янада ошириш истиқболларини белгилаш;

- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришни баҳолашнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва ёритиш;

- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғининг турлари ва солиққа тортиш объектлари ўрганиш;

- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғидаги номуаносибликни бартараф этиш этиш йўллари ишлаб чиқиш;

- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмидаги муаммоларни кўриб чиқиш;

- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизминини такомиллаштириш йўллари ёритиш ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг предмети. Бюджетга ундириладиган мол-мулкнинг солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур солиқ услубиётини ривожлантириш ва амалиётга тадбиқ этиш илмий изланишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Турли даражадаги бюджетлар билан юридик шахслар ўртасида мол-мулк солиғи бўйича вужудга келадиган молиявий муносабатлар изланишнинг объектини ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишини тайёрлашда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва муаммога тизимли ёндашув каби усуллари самарали фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Илмий изланишнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси илгари сурилган илмий ва амалий тусдаги қоидалар, таклиф ва мулоҳазалар:

- бюджетга ундириладиган мол-мулкдан олинадиган солиқ механизмидаги муаммоларни келгуси илмий тадқиқот ишларини ҳал этишда;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг бюджет билан бўладиган ўзаро муносабатларини ўрнатишдаги ишларни ташкил этишда;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкдан олинадиган солиқ бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишда;

- “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бўйича амалий машғулотларни ўтказишда;

- амалга оширилаётган бюджет ва солиқ сиёсатининг туб моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мумкинлиги билан ўлчанади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Магистрлик диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилоят солиқ бошқармаси томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Солиқлар ва солиққа тортиш» ва «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» каби махсус курсларнинг ўқитилишида фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. МД кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Илмий ишда 3 та чизма ва 5 та жадвал мавжуд. МД умумий ҳажми 98 бетни ташкил этади.

Хулоса ва таклифларнинг кискача умумлаштирилган ифодаси. Бозор иқтисодиёти шароитида мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш мадсадида корхоналар мол-мулк қийматининг асосланган бозор қиймати бўйича солиққа тортиш, юридик шахслар мол-мулк солиғи объектини таркибига кирувчи иомоддий активларни солиққа тортишда ҳисобга олмаслик, корхоналар ер ва мулк солиқлари ўрнига, ер қиймати баҳосини аниқлаш шарти билан ятона "кўчмас мулк солиғи"ни жорий қилиш ва бошқалар.

Илмий раҳбар _____ доц. Р.М. Мусаев

Илмий маслаҳатчи _____ проф. Э.Н. Ходжаев

Магистрант _____ Ш. Мардиев

Мундарижа

Кириш.....	7
I-Боб. Мол-мулк солиғини қарор топиши ва уни бюджет даромадлари таркибида бошқариш ролини ошириш истиқболлари	
1.1. Мол-мулк солиғини бюджет даромадларини ташкил этишдаги роли ва аҳамияти.....	12
1.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришни баҳолашнинг асосий йўналишлари.....	17
1.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари...	20
II-Боб. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш услубиятини ва механизмини таҳлили	
2.1. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғининг турлари ва солиққа тортиш объектлари.....	26
2.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш амалиёти.....	35
2.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғи базасини аниқлаш тартиби.....	44
III-Боб. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари	
3.1. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғидаги номутаносибликни бартараф этиш йўллари.....	55
3.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмидаги муаммолар.....	59
3.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	63
3.4. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини ошириш йўллари.....	73

**IV-Боб. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида ҳаёт
фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш
йўллари**

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	77
4.2. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора- тадбирлари.....	78
4.3. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	85
4.4. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	88
Хулоса.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

Кириш

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Республика солиқ тизими қонунчилик асослари ҳамда солиқ сиёсатининг концептуал йўналишлари турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларни давлат бюджети билан бўладиган молиявий муносабатларининг асосини ташкил этади.

Солиқ сиёсати ва солиқ, тизимини такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қайта шакллантириш амалга оширилаётган бир даврда иқтисодий ислохотлар ичида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида молиявий муносабатлар, шу жумладан, корхона, ташкилот ҳамда бирлашмаларнинг давлат бюджети билан солиқлар бўйича муносабатлардаги ҳисоб-китобларини такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Турли мулк шаклидаги мол-мулклар, ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар тасарруфидаги бўлиши мумкин. Мулк шакллариининг босқичма-босқич ташкил этилиши ва ривожланиши учун, аввало, уларнинг ҳуқуқий асоси таъминланиши лозим. Бу масалани ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни¹ қабул қилинди ва мулкчиликни ривожланиши учун кенг шароит яратди.

Юридик шахслар тасарруфида бино ва иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, ўтказувчи қурилмалар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш инвентарлари, жиҳозлар ва бошқалар мол-мулклар бўлиши мумкин. Амалда мол-мулкларнинг миқдори ва қиймати чекланмаган, яъни имкон қадар бойлигини ўсиш имкони туғилмоқда. Бундай муаммоларни мол-мулкларни солиққа тортиш орқали бартараф этиш мумкин. Шунингдек, мол-мулкларни солиққа тортиш орқали, хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкӣ ҳолатини бошқариб туриш таъминланади ҳамда жамият олдида

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 1990 йил. 31 октябрь 128 б.

миқдорларнинг солиқ бўйича жавобгарлигини тенг таъминланишида мулкый солиқлар имкон қадар кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Мол-мулкдан олинadиган солиқ ўз олдига қўйилган ҳар бир вазифани тўлиқ бажаришни таъминлаши лозим. Бундай ҳолатларни мавжудлиги, шу соҳада илмий изланишларни давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

Магистрлик диссертацияси мавзуси доирасида олиб борилган илмий ишлар Ф.Нитти, Д.Рикардо, А.Смит, В.Н.Твердохлебов ва И.И. Янжул каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юридик шахслар мо мол-мулкани солиққа тортишни ривожлантириш бўйича назарий ва амалий ишлар Д.А. Аллахвердян, Э.А. Вознесенский, И.В. Горский, Л.А. Драбозина, А.Лаффер, Н.В. Миляков, В.М. Родионова, И.Д. Злобин, Д.Г. Черник, М.К. Шерменева каби иқтисодчи олимларнинг илмий китобларида ўз аксини топган.

Шунингдек, мол-мулкдан олинadиган солиқ билан боғлиқ бўлган масалалар Алимардонов М., Гадоев Э.Ф., Галкин В.Ю., Зайналов Ж.Р., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Собиров Ҳ.Р., Шарифхўжаев М.Ш., Умаров Б., Яҳёев Қ., Йўлдошев М.И. каби ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг илмий ва амалий ишларида ўз аксини топган. Аммо, ҳозирги вақтгача корхоналар мол-мулкдан олинadиган солиққа бағишланган илмий ишлар етарлича эмас. Амалда қўлланилиб келинаётган мол-мулкдан олинadиган солиқ механизмида бир қанча камчиликлар мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Юридик шахслар мол-мулкларини солиққа тортишни етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва илмий ишнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Бюджетга ундириладиган мол-мулкани солиққа тортиш ролини ошириш йўллари аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** кун тартибига чиқарилди:

- мол-мулкларни солиққа тортишни қарор топишини ўрганиш;
- мол-мулк солиғини бюджет даромадларини ташкил этишдаги ролини ёритиш, уни бозор иқтисодиёти шароитида янада ошириш истиқболларини белгилаш;
- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришни баҳолашнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва ёритиш;
- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғининг турлари ва солиққа тортиш объектлари ўрганиш;
- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғидаги номуносибликни бартараф этиш этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмидаги муаммоларни кўриб чиқиш;
- бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари ёритиш ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг предмети. Бюджетга ундириладиган мол-мулкнинг солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур солиқ услубиётини ривожлантириш ва амалиётга тадбиқ этиш илмий изланишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Турли даражадаги бюджетлар билан юридик шахслар ўртасида мол-мулк солиғи бўйича вужудга келадиган молиявий муносабатлар изланишнинг объектини ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишини тайёрлашда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил ва муаммога тизимли ёндашув каби усуллари самарали фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Магистрлик диссертациясида ёритилган ва ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар амалиётга тадбиғи бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштиришга ва истиқбола мол-мулк солиғини қўллаш тизимини, яъни солиқ объектини иқтисодий чегарасини оқилона белгилаш ва шу орқали

бюджет даромадларига ундириладиган тушумларни ошириш имкониятини яратиб беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- бюджетга ундириладиган мол-мулк солиғини ундириш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди;

- юридик ва жисмоний шахсларни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг тутган ўрни аниқланди ва уларни самарали амал қилиш йўналишлари ишлаб чиқилди;

- мол-мулкидан олинадиган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришда тутган ўрнига баҳо берилди;

- бюджетга ундириладиган мол-мулк солиғидан янада фаол фойдаланиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди ва бошқалар.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Магистрлик диссертацияси асосини хорижлик ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг корхоналар мол-мулкани солиққа тортишга бағишланган илмий ишлари ташкил этади. Шу масалага бевосита тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

Илмий ишда иқтисодий ва қиёсий таҳлил услуби, маълумотларни гуруҳлаш услубларидан фойдаланилган.

Илмий ишнинг янгиликлари. Магистрлик диссертацияси мавзусининг илмий янгилиги шундан иборатки, республикада корхоналар мол-мулкани солиққа тортиш механизмида мавжуд камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар берилди. Тадқиқот натижасидан олинган илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- бюджетга ундириладиган мол-мулкларга солинадиган солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва мақсади ёритилди;

- бюджетга ундириладиган мол-мулк солиғидан янада фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган;

- мол-мулкни солиққа тортиш тизимини афзалликлари аниқланган;

- мол-мулқидан олинадиган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришда тутган ўрнига баҳо берилган;

- солиққа тортиш механизмида: солиқ тўловчиларни тўлиқ ҳисобга олиш, солиққа тортиш объектини ўзгартириш (асосий фондларнинг қолдиқ қийматидан фойдаланиш), солиққа тортиладиган база таркибига қўшимча элементларни киритиш, самарасиз ва ишламайдиган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар берилган.

Илмий изланишнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси илгари сурилган илмий ва амалий тусдаги қоидалар, таклиф ва мулоҳазалар:

- бюджетга ундириладиган мол-мулкдан олинадиган солиқ механизмидаги муаммоларни келгуси илмий тадқиқот ишларини ҳал этишда;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг бюджет билан бўладиган ўзаро муносабатларини ўрнатишдаги ишларни ташкил этишда;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкдан олинадиган солиқ бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишда;

- “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бўйича амалий машғулотларни ўтказишда;

- амалга оширилаётган бюджет ва солиқ сиёсатининг туб моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мумкинлиги билан ўлчанади.

Тадқиқот натижаларининг нашри. МДнинг асосий ғоялари 2 та маъруза тезисларида нашр қилинган.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. МД кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Илмий ишда 3 та чизма ва 5 та жадвал мавжуд. МД умумий ҳажми 98 бетни ташкил этади.

I Боб. Мол-мулк солиғини қарор топиши ва уни бюджет даромадлари таркибида бошқариш ролини ошириш истиқболлари

1.1. Мол-мулк солиғини бюджет даромадларини ташкил этишдаги роли ва аҳамияти

Хўжалик фаолияти юритишни амалга оширишда бозор шарт шароитлари ҳисобга олинadиган солиққа тортишнинг самарали тизими, бир вақтнинг ўзида ташкил топиши ва шаклланиши қийий масала. Ву хусусида иқтисодчи олим С.Д. Шаталов шундай дейди, "Бу жараён бирин-кетин давом этиши ва ривожланиб бориши лозим"². Бундан келиб чиқадики Республика солиқ тизимини умумий ривожлантиришда ривожланган мамлакатлар солиқ тизимларининг салбий ва ижобий томонларини, эволюцион характерини ҳисобга олиши улар билан мувофиқлаштириш ва уларга яқинлаштириш лозим. Солиқ тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмай туриб амалдаги солиқлар механизмини ва ҳисоблаш тартибини оптимал : вариантларни ишлаб чиқиш билан такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги солиқ сиёсати концепцияси тамойилларини белгилашда Республика иқтисодиётини тубдан қайта қуриш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш устувор вазифа эканлигини эсда тутиш зарур. Солиқ ислоҳотида мол-мулкка, ерга, кўчмас мулкка, табиий ресурсларга солиқ солиш, асосий солиқ оғирлигини савдо, воситачилик банк даромадларидан солиқ олишга ўтказиш керак. Энг аввало, икки захираларга таянган ҳолда мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларини химоя қилиш муҳим ҳисобланади. Лекин Республикамизда ҳозирги шароитда ерга хусусий мулкчилик муносабатлари кенг жорий қилинмаганлиги сабабли, мустақил ўз-ўзини даромадлар билан таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларга келиб тушиши лозим бўлган маблағлар манбаи етарли даражада

² Шаталов С.Д. Развитие налоговой системы России. Проблемы, пути решения и перспективы. М., 2000.

аниқланмаган, демак, мол-мулк ва ернинг солиққа тортиладиган базасини аниқлаш тартибини такомиллаштириш зарур.

Солиқ, тизимини шакллантиришни такомиллаштириш йўналишида, турли мулкчилик шакллариининг ривожланиши, хусусийлаштиришнинг ривожланиши жараёнида бюджет даромадларининг асосий манбалардан бири мол-мулк (ёки ягона солиққа тортиш объекти – кўчмас мулк) солиғи бўлмоғи лозим. Ушбу ҳолатда солиққа тортиш механизми икки ҳарактерга — солиқни тўловчи субъектларга тегишли мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришдир.

Ҳозирги кунда корхоналар тўловларининг кескинлашуви шароитида, мол-мулк солиғидан тушумлар боқимандалик тусига айланиб қолиб, оқибатда ўзаро ҳисоб-китоб тўловлари орқали амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, юридик шахсларга тегишли мол-мулкни солиққа тортиш, маҳаллий бюджетларни даромад билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Солиқ тизимини такомиллаштиришда маҳаллий солиқлар муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусда, профессор В.Г. Пансков ва Д.В. Игнатъев³лар “солиқ сиёсатида асосий эътиборни маҳаллий солиқ тизимини ривожлантиришга қаратиш лозим, чунки маҳаллий бюджет даромадларининг асосий манбаи маҳаллий солиқлардан ташкил топади”, шунингдек, “маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетда муҳим аҳамиятга эга бўлган доимий даромад манбаларини мустаҳаамлашни таъминлайди” деб таъкидлаганлар.

Маълумки, маҳаллий солиқлар ўзига тегишли ҳудуддарда солиқ тўловчилар томонидан тўланади ва маҳаллий бюджетга ундирилади. Маҳаллий солиқлар турли кўринишга эга бўлиб, реал солиқлар кўринишида ундирилади. Иқтисодчи олим И.Горскийнинг фикрича, маҳаллий солиққа тортишни амалий жиҳатдан жорий этишда қуйидага жиҳатлариви ҳисобга олиши зарур: маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджет даромади элементларидан бири эканлиги; маҳаллий солиқлар ягона умумдавлат солиқ

³ Пансков В., Игнатъев Д. Налоговый федерализм и местные налоги - РЭЖ, 1999, №4.

тазимининг ажралмас қисмини ташкил этишини; маҳаллий солиқларда маҳаллий шарт-шароитларни эътиборга олишини.

Маҳаллий бюджетни мустақил ҳолда маблағ билан таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан солиқларнинг тўлиқ фискал характердагилари ва рағбатлантирув турлари бўлгани маъқул. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, мол-мулк солиқ тушумлари маҳаллий бюджетлар бўйича бир маромда эмас, модомики уларнинг кўпайиши (камайиши) муайян ҳудуд иқтисодини ихтисослаштирилгаилигига ва концентрациясига ҳамда корхоналарнинг молиявий аҳволига қараб ўзгариб туради. Бундан ташқари, Республикамиз солиқ тизимида солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга ҳам гуруҳлаштирилади. Бу гуруҳлаштириш жаҳон молия институтларида қабул қилинган классификацияга унча мос тушмайди. 1993 йилда БМТ томонидан қайта таҳрирланган миллий ҳисоблар тизимида давлат бюджетининг даромадлари ва шу жумладан, солиқларнинг стандарт классификациям қабул қилинган ва у махсус стандарт тарзида келтирилган.

Солиқларни жаҳон мамлакатлари бўйича солиштирилиши ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳар бир солиқни солиқ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини мамлакатлараро солиштириш вв ўрганиш имконини беради. Яъни, солиқ тизимида туб ўзгаришлар кўзда тутилмаган ҳолда, амалдаги солиқ, турларини ҳисоблаш тартибини ва механизмидаги элементларни такомиллаштиришни ривожлантириш ва ўхшаш базасига эга бўлган солиқларни бирхиллаштириш (унификация қилиш)дан иборатдир,

Солиқ сиёсати доирасидаги масалаларни ҳал этишда Солиқ кодекси асосий инструмент ҳисобланмоғи лозим. У системалаштирилган ҳужжат бўлиб, аниқ, солиққа тортиш тартибини ва барча умумдават ва маҳаллий солиқларни, солиққа тортининг тамойиллари ва солиққа тортишнинг асосий жараёнларини аниқлайди ва солиқ муносабатларининг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Солиқ кодексини кучга кириши билан солиқ тизими фақат умумдават ва маҳаллий бюджетларни мунтазам тушумлар билан таъминлабгина қолмай, балки экспорт салоҳиятини оширни

рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари ёрдамида корхоналарда ишлаб чиқаришни ўстириш шароитларини яратади, солиқ юкини пасайтириш ишлар бажарилишини янада рижлантиради. Бозор иқтисодиётида қолиқлар молиявий ресурсларни жамғариш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни социал аҳамиятга эга мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради.

Республикамиз Президентга И.А.Каримовнинг, "солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий — хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир"⁴ деган фикрлари, жумладан, солиқ тизимида юридик шахслар мол-мулкдан олинадиган солиққа ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунлари умумиқтисодиёт комплексини самарали, пухта ва аниқ, мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлашини таъминлашда хизмат қилиши лозим. Ҳозирги вақтда "Бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш, молия тизимини ислох қилиш"га қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштиришда, солиқларнинг фискал функцияларини камайитириш ва уларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтириш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро муроabatларни мақбуллаштириш бўйича солиқ сиёсатини такомиллаштириш қуйидагиларни назарда тутувчи йўналишларни ўз ичига олади:

- солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказишни босқичма-босқич амалга ошириш;
- солиққа тортишнинг ўхшаш базага эга солиқларни бирхиллаштириш тизимини яратиш, солиқ механизминини соддалаштириш;
- ресурсларни тежовчи ишлаб чиқаришларни рағбатлантиришни таъминловчи солиқ ставкаларини белгилаш;

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1995, 205-б.

- йиғилувчанлик даражасини ошириш ва бошқа захиралар ҳисобига солиқ солиш базасини кенгайтириш;
- божхона божини ундиришда тариф разрядларини бирхиллаштириш;
- баҳолаш ва бюджет харажатларини амалга ошириш норматив усулини кенгайтириш
- давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибида маҳаллий бюджетлар улушини оширишдан иборат.

Мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти яна шунда намоён бўладики, бу мустақил республикаимиз бюджетининг шаклланишида унинг даромад қисмини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий йўналтирилган социал бозорни шакллантириш учун бюджет даромадларининг мазкур тури ҳам маълум салмоққа эга.

Мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига тўхталсак, унинг аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади.

Биринчидан, жамият бойлиги, у кимга тегишли бўлишидан қатъий назар (жисмоний ёки юридик шахсга), солиққа тортиш механизми билан ҳисоб-китоб қилиб борилади. Иккинчидан, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига унинг харажатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда қайта тақсимланади.

Давлат юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг ортишидан манфаатдор. Шу туфайли давлат ушбу мулклар дахлсизлигини таъминлашни, унинг бутлигига кафолат беришни ўз зиммасига асосий вазифалардан бири сифатида олади. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўз аксини топган. Юридик ва жисмоний шахслар эса ўз мол-мулкларининг дахлсизлигидан манфаатдор бўладилар, бунинг эвазига ўз мол-мулкидан давлатга белгиланган тартаб ва миқдорларда солиқ тўлаб борадилар.

Республикаимиз солиқ тизими бевосита ва билвосита солиқлардан таркиб топган. Бевосита солиқлар корхона даромадини камайтиради. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти бевосита ана

шу солиқлар билан боғлиқ. Бунга мол-мулк солиғини мисол тариқасида назарда тутиш мумкин. Мол-мулк солиғи давлат бюджетида барча солиқлар сингари ўзига хос салмоққа эга бўлган солиқ ҳисобланади.

2014 йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларидан олинган солиқ жами бюджет тушумларининг 4,69 фоизини ташкил этган. Бизга маълумки, мол-мулк солиғи тушумлари маҳаллий бюджетга ўтказилади. Бу маблағлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш каби тадбирларга сарф-харажат қилинмоқда. Мол-мулк солиғи ўзига хос характерга эга.

Биринчидан, унинг объекти сифатида нафақат мол-мулк қиймати, балки ўз муддатида тугалланмаган қурилиш ва белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналарнинг қийматини ҳам қўшиб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам мол-мулк солиғининг тўловчилари ўзларида мавжуд кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда мулкларнинг сақланишига чек қўйиш, корхоналарда товар обороти жараёнини жадаллаштириш кабилардан манфаатдор.

Иккинчидан, мол-мулк солиғи ҳам солиқнинг бошқа турлари каби мажбурий тўловларга киради. Унинг солиқлар тизимидаги ўрни давлат бюджетидаги улушидан ташқари иқтисодий моҳияти билан ҳам белгиланади.

Учинчидан, солиқни ундириб олиш учун давлат бутун мол-мулкни ҳисобга олиб боради. Мол-мулк давлатнинг, мамлакатнинг моддий неъматини, моддий бойлигини сифатида намоён бўлади.

1.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришни баҳолашнинг асосий йўналишлари

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози бозор иқтисодиёти шароитида ҳам давлат иқтисодий муносабатларни тартибга солиш борасидаги ўз вазифаларига масъулият билан ёндошиши зарурлигини яна бир бор исботлади.

Хусусий мулк — шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулки бўлиб, у инсоннинг табиат бойликларини ўзлаштириши ҳосиласидир. Хусусий мулк мустақиллик йиллари мобайнида ривожланиб, бугунги кунда у иқтисодиётнинг барча тармоқларида мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусий мулк объекtlари жуда кенг. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 209-моддасида белгиланганидек, «Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин».

Хусусий мулк даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Ҳозир хусусий мулкнинг икки кўриниши эътироф этилган: биринчи кўринишда, бевосита фуқароларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши натижасида вужудга келадиган хусусий мулк. Бунда фуқаро ўзига тегишли воситалардан фойдаланади, унинг даромадлари хусусий мулкни ташкил этади. Бунда даромаднинг бир қисми ишлаб чиқариш ва хомашёга сарфланади.

Иккинчи кўринишда хусусий мулкнинг моҳияти тўлиқ очилади. Унга кўра, хусусий мулк эгаси ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмай, балки ёлланма меҳнатни жалб этади, маҳсулотга эгалик қилади ва даромадни ўзи тақсимлайди. Хусусий мулкнинг ҳар иккала кўриниш ҳам ишлаб чиқариш характериға эға.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг кескин ўзгариши натижасида асосий воситалар қиймати ҳам ўзгариши табиий. Аммо бу ўзгариш фақат корхона эмас, балки жамият миқёсида ҳам тўғри ҳисобға олиб борилиши зарур. Бу ўз навбатида ҳар бир субъект (жисмоний ва юридик шахс)нинг мол-мулки қийматини қайта баҳолаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортишда шу ўзгаришларни инобатға олишни тақозо қилади.

Барча хусусий мулкнинг улушида асосий воситаларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Юридик шахслар асосий воситаларни баҳолаш ва ҳисобга олишни Ўзбекистон Республикасининг 5-сонли "Асосий воситалар" номли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти асосида амалга оширади. Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш эса давлат кадастр органлари томонидан бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 265—272-моддаларида мол-мулк солиғи тўловчи ва жисмоний шахслар таркиби белгилаб қўйилган.

Мол-мулк солиғи деганда, фақат мол-мулк таркибига киритилган объект учун тўланадиган солиқ тушунилади. Бу солиқнинг объекти сифатида юридик шахснинг балансидаги ва жисмоний шахснинг қонунчиликца белгиланган мол-мулклари таркибига кирувчи мулклар назарда тутилади.

Амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига кўра, юридик шахслар мол-мулки солиғи базаси уларнинг ўртача қолдиқ қиймати, жисмоний шахслар мол-мулки учун солиқ базаси эса мол-мулкнинг кадастр ёки қонун ҳужжатлари асосида белгиланган шартли қиймати ҳисобланади.

Фикримизча, амалдаги мол-мулкни солиққа тортиш механизми фуқаролар ва юридик шахсларнинг юдШсодий фаоллигини оширишга етарли даражада таъсир этмаётир.

Фуқаролар эса ўз маблағларини ишлаб чиқариш тармоклари ёки банкларга инвестиция қилиш ўрнига кўчмас мулкларга айлантиришни афзал кўрмоқдалар. Бундай ҳолатлар эса мамлакатнинг ички инвестиция имкониятлари пасайишига олиб келади ва фуқароларда мешчанлик ҳамда манманлик кайфиятлари кўпайишига сабаб бўлади.

Чунки фуқаролар бўш маблағларини ишлаб чиқаришга эмас, балки эҳтиёжларидан ортиғини ҳашаматли уй-жойлар, дала ҳовлилар қуришга сарфлайди. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағи инфляциясини пасайтириш ёки бошқа мақсадларда бўш маблағларига хусусийлаштирилаётган бино-иншоотлар ва асбоб-ускуналар харид қилиб, уларни ишлатмасдан сақпаб туришига сабаб бўлади.

Фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш уларнинг турмуш даражаси ошишига ҳам хизмат қилади. Чунки, фуқароларнинг бўш маблағларини тўғри жойлаштирилиши биринчидан, шахсий даромадларини ошишига, иккинчидан, давлат бюджети ҳамда мақсадди жамғармаларга тушумлар миқдорининг кўпайишига олиб келади.

Шу мақсадда, фуқаролар ва юридик шахслар мол-мулкни баҳолаш тизимини боскичма-боскич такомиллаштиришнинг асосий йўналашларига бағишланган давлат дастурини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Давлат дастурида молмулкни баҳолаш учун қуйидаги омил ва масалалар амалга оширилиши зарур:

- мол-мулкни баҳолаш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини такомиллаштириш;
- мол-мулк жойлашган ҳудудларни минтакаларга бўлиш ва бундай ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини баҳолаш;
- мол-мулк баҳолаш тизимини жорий этиш боскичлари;
- мол-мулкни баҳолаш учун тўланадиган маблағлар манбаи;
- мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш чораларини инобатга олиш.

1.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари

Республикада шу кунгача кўплаб солиқ тизимига тегишли қонунлар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар солиқ тизимимизнинг қонуний базасияи ташкил қилади, ҳуқуқий асоснинг мукамал ва илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ўз навбатида кейинги амалий ишлар мувоффақиятини белгилайди.

Кейинги пайтларда, бизни фикримизча, мамлакатимиз солиқ, тизимига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, солиқ тизимимизнинг

асосий ҳукуий базасини ташкил қилувчи солиқ кодекси ҳам айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Солиқ кодексининг 6-7 моддаларида солиқ тизимимизда амал қилувчи солиқлар ва йиғимлар кўрсатиб ўтилган. Лекин, амалиётда савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ундириладиган ялпи даромад солиғи ва кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ бу моддаларда кўрсатилмаган. Бу солиқлар тўғрисида 8-моддада қисқача сўз юритилган, холос. Аслида эса солиқ кодекси мамлакат солиқ муносабатларининг барча жараёнларини, унда амал қилувчи солиқларнинг амал қилиш тартибини комплекс тарзда белгилаб бериши керак.

Ҳозирги давр солиқ тизимимизда биронбир солиққа тегишли меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар тез-тез ўзгариши, улардаги тушуниш қийин бўлган ҳолатлари ва бир бутунликка эга эмаслик учраб туради. Бу ҳол солиқ тўловчиларнинг солиқ қонун ҳужжатларини ўзлаштиришда ва мукамал билишларида қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Солиқ тўловчиларни кўпчилик меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни яхши билмаслиги натижасида ҳуқуқбузарликка йўл қўймоқдалар.

1-жадвал

2011-2014 йилларда солиқ тўловчилар содир этган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблар бўйича таркиби⁵

	Солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчиликларини мукамал билмасликлари	Солиқ ҳужжатларининг тез- тез ўзгариши	Бюджет билан корхоналар ўртасидаги муносабатларнинг таҳлили тўлиқ ташкил этилмаганлиги	Солиқ тўловчиларнинг даромадларини қасддан яшириши	жами
2011	10,5	2,0	42,4	45,1	100
2012	9,7	1,8	43,5	45,0	100
2013	10,9	6,5	35,4	47,2	100
2014	11,5	6,8	33,9	47,8	100

⁵ Манба: “Солиқ тўловчиларнинг журнали”

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, солиқ ҳужжатларининг тез-тез ўзгариши натижасида содир этилаётган хўқуқбузарликлар 2003 йилда 2000 йилга нисбатан 3 баробардан кўпроқга ошган. Бу эса солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳужжатларини ўзгаришини ўзлаштириш жараёнининг пасайганлигидан ёки солиқ қонун ҳужжатларининг жудаям тезлик билан ўзгараётганлигидан далолат беради. Солиқ, тўловчиларнинг солиқ қонунларини мукаммал билмаслиги натижасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳам ошиб бориш характериға эға. (Солиқ қонунларини мукаммал билмаслиғига сабаб бўлувчи омиллардан бири, уларнинг ягона тарзда мавжуд эмаслиғи десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизда солиқларнийг бюджетға ўз вақтида ва белгиланган тартибда тушиб туришиға салбий таъсир қилувчи омиллар ичида қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз:

- солиқларни ундиришға қаратилган ҳуқуқий асосларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиғи, уларнинг қисман нобарқарор характерға эға эканлиғи ва тез-тез ўзгариши, уларда ноаниқликлар турли шаклларда талқин қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг мавжудлиғи;

- механизмнинг барча ҳолатларда ҳам етарли даражада
- оддий ва содда эмаслиғи.

Мол-мулк эгалари ўз вақтида ва меъёрида мулк солиғини тўлаб боришлари учун бизни фикримизча, уларға қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ДСИ ходимлари томонидан таништирилиши ва таҳлил қилиб берилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси;
- “Юридик шахслар мол-мулкидан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетға тўлаш тўғрисида”ги йўриқнома, (Адлия вазирлиғидан 11.01.02 да 1107-сон билан рўйхатға олинган);

- “Йўриқномаға ўзгартиш ва қўшичалар киритиш тўғрисида”ги Ўз.Р. МВ ва ДСҚнинг қарори, (Адлия вазирлиғидан 31.03.03да 1107-02 сон билан

рўйхатга олинган);

- “Йуриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўз.Р. МВ ва ДСҚнинг қарори, (Адлия вазирлигидан 16.02.04 да 1107-3 сон билан рўйхатга олинган);

- Ўзбекистон Республикасининг 5-сон “Асосий восита” БҲМС, (Адлия вазирлигидан 20.01.04 да 1299-сон билан рўйхатга олинган);

- Ўзбекистон Республикасининг 7-сон “Номоддий активлар” БҲМС, (Адлия вазирлигидан 25.02.04 да 1365-сон билан рўйхатга олинган); .

- “2003 йил 1 январь ҳолатига Асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом, (Адлия вазирлигидан 4.12.02 да 1192-сон билан рўйхатга олинган);

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги қабул қилинувчи “Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари. (Масалан, 2004 йил учун қабул қилинган 567-сон қарори).

Солиқ қонунларининг кўплиги билан бир қаторда улардаги номувофиқликлар ва камчиликлар ҳам кўпайиб бормоқда. Мол-мулк солиғини ундиришни белгиловчи йўриқнома 2002 йилда янги таҳрирда қабул қилинишига қарамасдан, шу вақтгача унга икки марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Буни баъзи мутассаддилар иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ равишда қонунлар ҳам тезлик билан шароитга мос ҳолда ўзгариб бориши керак дея таъкидлашади. Аммо бу ўзгаришлар солиқ тўловчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Бизда эса масаланинг ана шу томони унчалик эътиборга олинмайди.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизда солиқ қонунчилигининг ўзига хос хусусияти уларнинг бир бутунликка эга эмаслигидир. Солиқ қонунларининг кўплиги ҳеч қачон солиқ тизимида ижобий самара бермаган, ундан кўра солиқ қонунларининг яхлитлигини

таъминлаш фойдалироқдир. Масалан, АҚШда солиқ тизими битта солиқ кодекси оркали бошқарилади. Бизда эса қонун, низом йўриқнома, иловалар ва уларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар шунчалик кўпки солиқ тўловчи унинг ҳар биттаси билан ўз вақтида танишиб чиқиш имкониятига ҳам эга бўлмай қолади.

Солиқ ҳисоб-китоб ҳужжатлари кўплиги ҳам солиқ тўловчига қўшимча ташвишларни ортирмоқда. Мол-мулк солиғини тўловчи юридик шахс ушбу солиқ бўйича куйдаш ҳисоб-китоб ҳужжатларини солиқ идоралирига тақдим қилиши белгилаб қўйилган:

- мол-мулк солиғи суммасининг ҳисоб-китоби;
- келгуси давр учун мўлжалланган мол-мулк солиғи суммаси тўғрисида маълумотнома, (жорий йилнинг 10 январига кадар йилига бир марта);
- солиқни ҳисоблаб чиқариш учун юридик шахс мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби;
- солиқ солинмайдиган мол-мулк рўйхати;
- мол-мулк солиғининг жорий тўловлари тўғрисида маълумотнома;
- экспорт қилинган маҳсулот (иш, хизмат) тўғрисида божхона органи ва банк муассасаси томонидан тасдиқланган маълумотнома;
- бухгалтерия баланси; (1-шакл)
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, (3-шакл)
- имтиёзларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- асбоб-ускуналарнинг хорижий кредит ҳисобига харид қилинганлигини тасдиқловчи банк муассасаси томонидан тасдиқланган маълумотнома;
- ногиронларнинг - жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари” уюшмаси мулкидалигини тасдиқловчи юқори орган томонидай тасдиқланган маълумотнома ва ишчиларининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилишини тасдиқловчи статистик органининг маълумотномаси;

- табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун фойдаланилаётган мулкларга эга бўлса, бу мулкларнинг ҳақиқатда табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланилаётганлигини тасдиқловчи табиатни муҳофаза қилиш органининг маълумотномаси;

- лизингга олинган мулкларнинг ҳақиқатда лизинг олинганлигини тасдиқловчи лизинг шартномаси;

- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун кредит ҳисобига харид қилинган асбоб ускуналарнинг ҳақиқатда кредит ҳисобига харид қилинганлигини тасдиқловчи банк муассасаси тасдиқлаган маълумотнома.

Умуман, корхоналар мол-мулкларни солиққа тортишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда уларнинг бир бутунлигини таъминлаш, барча учун тушунарли тарзда баён этиш ва солиқ ҳисобини соддалаштириш ҳозирги кундаги асосий масалалардан биридир. Бунинг учун, аввало қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда чуқур илмий асосга таяниш ва уни дастлаб кичик миқёсда амалиётда синаб кўриш ва олинган натижалар асосида мамлакат миқёсида тадбиқ қилиш йўналишлари ишлаб чиқилса ёмон бўлмас эди.

II Боб. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш услубиятини ва механизмини таҳлили

2.1. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғининг турлари ва солиққа тортиш объектлари

Давлатнинг моддий жиҳатдан таъминланиш эҳтиёжи давлат хазинасига тўловлар, яъни: солиқларни ундириш заруриятини туғдирди.

Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини ўрганиш учун аввало мол-мулк тушунчаси, унинг турлари, объекти ва субъектлари таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83- моддасига кўра «Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас ва кўчар мулкка»⁶ бўлиниши белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулклар эса кўчар мулк ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни 3-моддасига мувофиқ:

«Ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемаларнинг топологияси, селекция ютуқлари маҳсулот белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти»⁷ мулкый ҳуқуқий объектлари бўлиб ҳисобланади.


Мазкур қонун билан белгиланган мол-мулк объектлари таркиби бозор иқтисодиёти шароитида мол-мулк объектлари тушунчасининг кенг қамровли

⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси – Тошкент. “Адолат”, 1994. – 45-бет.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент: “Адолат”, 2003

эканидан далолат беради. Бундан ташқари, бозор муносабатлари шароитида инсоннинг интеллектуал меҳнати натижаси, яъни номоддий неъматлар ҳам мулк сифатида тан олинади. Интеллектуал мулк объектларини келиб чиқиш мазмуни бўйича икки турга бўлиш мумкин.

Мол-мулк турларини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (1-чизма).



1-чизма. Мол-мулк турлари схемаси

Бу, биринчидан, ижод намуналари, яъни шахснинг ақлий меҳнат фаолияти натижасида яратилган неъматлардир. Булар таркибига патентлар, селекция; ихтиро дастурий маҳсулот ва шу каби ижод намуналари тарзидаги номоддий неъматлар киради.

Иккинчидан, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари бўлиб ҳисобланади. Мазкур турдаги интеллектуал мулк таркибига фирма номи товар белгиси ва товар ишлаб чиқариладиган жой номлари каби

номоддий ашёлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1031-моддасига мувофиқ:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошқор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)

фирма номлари

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);


товарлар чиқарилган жой номи;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари интеллектуал мулк объектлари бўлиб ҳисобланади. Интеллектуал мулк объектлари таркибини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (2-чизма).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»⁸ эканлиги белгилаб қўйилган.

Бу жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига эга бўлиш ҳамда уни қонунларда белгиланган тартибда эркин тасарруф этиш ҳуқуқларининг асосидир.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 13-бет.



2-чизма. Интеллектуал мулк объектлари таркиби

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, ташқи давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа уларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкый ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар муайян мулкнинг субъектлари бўлиб ҳисобланадилар.



3-чизма. Мол-мулк субъектлари таркиби

Юқоридагиларга асосланиб, мол-мулк субъектларини схемали тарзда куйидаги тарзда ифодалаш мумкин (3-чизма).

Юқоридагиларга асосланиб, «Мол-мулк бу – қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга эгалик ҳуқуқи билан тегишли бўлган кўчар ҳамда кўчмас ашёлар, номоддий неъматлардир» деган таъриф бериш мол-мулк тушунчаси мазмунини тўлиқ акс эттиради, деб ҳисоблаймиз.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий мулк даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Ҳозир хусусий мулкнинг икки кўриниши эътироф этилган. Биринчи кўринишда бевосита фуқароларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши натижасида вужудга келадиган хусусий мулк. Бунда фуқоро ўзига тегишли ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланади, унинг шахсан иштирокида олинган даромадлари хусусий мулкни ташкил этади. Бунда олинган даромадларнинг бир қисми ишлаб чиқариш ва хом ашёга сарфланади.

Иккинчи кўринишда хусусий мулкнинг тўлиқ моҳияти очилади. Унга кўра хусусий мулк эгаси ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмай, балки ёлланма меҳнатни жалб этади, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик

килади ва келган даромадни ўзи тақсимлайди. Хусусий мулкнинг ҳар иккала кўриниши ҳам ишлаб чиқариш характериға эға.

Хусусий мулк объектлари жуда кенг. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 209-моддасига кўра: «Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин»⁹.

Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналар, устахоналар, аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, савдо, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳалари ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳаларнинг мулклар йиғиндиси, уй-жойлар, бинолар, қурилишлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё воситалари, ҳом ашё материаллари, ишлаб чиқариш ва истеъмол учун мўлжалланган бошқа мулклар, дов-дарахтлар, ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари, маҳсулдор моллар ва ишда фойдаланиладиган чорва моллари, паррандалар, олинган ҳосил ва даромадлар, акция ва бошқа қимматли қоғозлар, интеллектуал меҳнат натижалари, ихтиролар, мерос мулки ва бошқа ашёлар бўлиши мумкин. "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хусусий мулк ҳуқуқининг вўжудға келиш асосларидан бири ҳисобланади.

«Тадбиркорлик — тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўз мулкый жавобгарлиги ва таваккалчилиги эвазига амалдаги қонунлар доирасида фойда олиш мақсадидаги ташаббускор фаолиятидир»¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида:

- қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалға оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;
- тадбиркорларнинг, мулк шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенг

⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент, 1996 йил 29 август

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида”ги қонуни

ҳуқуқлилиги;

- тадбиркорлар солиқ ва кредит, мажбуриятларини ўз вақтида бажариши каби ҳуқуқий бир қатор нормалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун солиқ ва кредит сиёсати, тадбиркорлик капиталларидан унумли фойдаланиш ва улар ривожланишини рағбатлантирадиган барча имкониятларнинг қонуний асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролик кодекси», «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимизда мол-мулкнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг муҳим талабларидан бири хусусий мулкни жорий этишдир. Хусусий мулк шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкдир: У инсоннинг табиат бойликларини ўзлаштириши ҳосиласидир. Республикамизда хусусий мулк шакли ҳам қонуний мустаҳкамланган бўлиб, у бошқа мулк шакллари билан тенг эътироф этилади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Бу ҳақда Конституциянинг 53-моддаси 2-банди-да «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир» деб белгилаб қўйилган. Шунинг асносида ижтимоий- иқтисодий жараён барча бойликларни, жумладан, ҳар бир хўжалик субъектларининг мол-мулкни ҳам тўғри ҳисобга олиб боришни тақозо қилади. Ҳар бир хўжадик субъектининг мулки муайян давлат ҳудудида шаклланганлиги туфайли мазкур давлатга дахлдордир. Демак, хусусий мулк мамлакат умуммулкнининг бир қисми. Шу туфайли давлат хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаши ва унинг қонунийлигини назорат қилиши лозим бўлади. Давлат хусусий мулкни солиққа тортиш йўли билан фуқаролар мулкнининг қонунийлиги ва унинг ҳаракатини назорат қилиб боради. Бу эса давлат ҳудудидаги барча мол-мулкнинг тўғри ҳисоб-китобини юритиш ва улардан тегишли миқдорда солиқ ундириб бориш механизмини яратишни тақозо этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида юридик ва жисмоний

шахслар мол-мулкидан солиқ ундириш назарда тутилган.

Ўзбекистон «Республикаси Солиқ кодекси 89-моддасига кўра, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши мулкчилик шакллариининг ўзгаришига, турли мулк шакллариининг ривожланишига олиб келди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаробар муҳофаза этилишини кафолатлайди»¹¹ деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, республикада иқтисодиётда бир қанча мулк шакллари:

- фуқароларнинг яқка тартибдаги «шахсий» ва «хусусий» мулки;
- жамоа (ширкат) мулки. Бу мулк уз ичига оила, маҳалла, кооператив мулкни, ижарага олинган корхона мулкни, акцияли, жамоа корхоналар, концернлар, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, шунингдек, юридик шахс бўлмаган турли хўжалик жамиятлари, уюшмалари мулкни олади;
- давлатлараро, республика мулкидан, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-ҳудудий тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки;
- аралаш мулк;
- қўшма корхоналар, чет эл фуқароларига дахлдор ташкилотлар, давлатлар, шунингдек, чет эл юридик шахсларининг мулки иқтисодиётнинг турли тармоқларида актив фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 13-бет.

Мулкчилик тўғрисидаги қоиуннинг 1-моддаси 2-бандида «Мулкдор ихтиёрига кўра узига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади»¹² деб кўрсатилган. Ваҳоланки, эски қонунларда бу сўзлар ўрнига фақат «Қонунда белгиланган доираларда» деб кўрсатилган эди. Бундан кўриниб турибдики, илгариги қонун ҳужжатларида мулкдорнинг ҳуқуқий имкониятлари маълум даражада чегараланган эди.

Фуқароларнинг якка тартибдаги моддий бойликларини ўзлаштириш турли иқтисодий муносабатлар воситасида амалга оширилиши мумкин. Фуқаролар мулки шахсий мулк билан бирга якка тартибда меҳнат фаолияти ёки ёрдамчи хўжалмк юритиш билан ҳам вужудга келади ва ортиб боради. Бундан хўжаликлар фуқароларнинг меҳнатига асосланадиган бўлсада, аммо ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат воситалари индивидуал — ўзига тегишли бўлади. Бунда олинган даромад нафақат фуқаронинг эҳтиёжини қондириш учун, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уш таъмирлаш учун сарфланиши билан бирга давлат бюджетига солиқ тарзида тушиб ҳам туради. Бу ҳолат социализм даврида шахсий мулкнинг бир кўриниши деб қараларди. Унда фуқароларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгалиги кўзда тутилмаган ва эътиборга олинмаган эди.

Фуқаролар мулки уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан, кредит муассасаларига қўйилган маблағларидан, акция ва бошқа қимматли қоғозлардан, ўз ишлаб чиқаришига ёлланма меҳнатни жалб қилишидан олинган даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпайиб боради.

Фуқаролар мулки жисмоний шахсларга тегишли бўлиб, у табиат бойликларининг турли иқтисодий муносабатларда ўзлаштирилиши билан характерланади. Мулк инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хйзмат қилади. Ўзбекистонда фуқаролар мулкининг миқдори ва турлари чекланмаган (муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно).

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни. –Тошкент: “Адолат”, 2003.

Бу мулк меҳнат қилиб топилган, бошқа биров томонидан ҳадя этилган, ютукли ўйинларда ютиб олинган ёки бошқа томондан рухсат этилган қонуний йўллар орқали ортирилган бўлиши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида нархларнинг кескин ўзгариши натижасида асосий воситалар қиймати ҳам ўзгариши табиий. Аммо бу ўзгариш фақат корхона миқёсида эмас, балки жамият миқёсида ҳам тўғри ҳисобга олиб борилиши зарур. Бу ўз навбатида ҳар бир субъект (жисмоний ва юридик шахснинг мол-мулки қийматини қайта баҳолаш ва солиққа тортишда шу ўзгаришларни инобатга олишнинг зарурлигини тақозо қилади.

2.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш амалиёти

Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғи деганда фақат мол-мулк учун тўланадиган солиқ тушунилади. Бу солиқнинг объекти сифатида юридик шахснинг балансидаги ва жисмоний шахснинг қонунчиликда белгиланган мол-мулклари назарда тутилади. Юридик ва жисмоний шахснинг мол-мулк учун фақат мол-мулк солиғи тўлаши бу солиқ турининг ўзига хос иқтисодий чегарасидир.

Мол-мулк солиғининг иқтисодий чегараси унга солиқ ҳисобланган пайтда ҳам аниқланади. Юридик ва жисмоний шахслар барча мол-мулклари қийматидан солиқ тўлайдилар. Шунинг учун унинг солиққа тортиладиган мол-мулк қиймати аниқланади. Бунинг учун эса солиқдан озод ва чегириладиган мол-мулклар инобатга олинади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган объекти қуйидагича аниқланади. Хўжалик юритувчи субъект барча мол-мулкининг қиймати (Мжм) жами суммаси аниқланиб, ундан солиққа тортилмайдиган мол-мулк қиймати (Мим) айрилади. Қолган натижа солиқ солинадиган мол-мулк қийматини ифодалайди (Мсм). Бунинг учун қуйидагича формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$M_{cm} = M_{jm} - M_{im};$$

бунда:

M_{cm} — солиқ солинадиган мол-мулк қиймати;

M_{jm} — жами мол-мулк қиймати;

M_{im} — имтиёзли (солиққа тортилмайдиган) мол-мулк қиймати.

Аниқланган мол-мулк қийматига асосан белгиланган солиқ ставкалари бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммаси ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкига солинадиган солиқ суммасини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$C_{mm} = M_{cm} \times C_{st};$$

бунда:

C_{mm} — мол-мулк учун тўланадиган солиқ суммаси;

M_{cm} — солиқ солинадиган мол-мулк қиймати;

C_{st} -- мол-мулк солиғининг ставкаси.

Мазкур солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз муддатида бюджетга ўтказиб борилиши Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигида 2002 йил 11 мартдаги 1107-сон ва 2002 йил 5 мартдаги 1103-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги ва «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаларга асосан давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат қилиниб борилади.

Юқоридагиларга асосланиб, мол-мулк солиғининг муайян йўналишлар бўйича қуйидаги иқтисодий чегараларини белгилаш мумкин:

1. Унинг фақат мол-мулк учун тўланиши.
2. Мол-мулк солиғининг фақат солиққа тортиладиган объектдан тўланиши.
3. Қатъий белгиланган ставкада тўланиши.
4. Қатъий белгиланган муддатда туланиш.

Ана шу иқтисодий чегаралар солиқнинг тўғри тўланишнинг аниқлабгина қолмай, унинг иқтисодий моҳиятини ҳам ёритиш имконини

беради.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасига мувофиқ мол-мулк солиғининг объектидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 182-моддасига мувофиқ, фуқароларда мулк ҳуқуқи:

- меҳнат фаолияти натижасида;
- мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қулга киритиш;
- давлат мол-мулкни хусусийлаштириш;
- мерос қилиб олиш;
- Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда пайдо бўлади¹³, деб кўрсатилган.

Демак, жисмоний шахслар юқоридаги асосларда қўлга киритган мол-мулклари учун уларга эгалик ҳуқуқи пайдо бўлгандан бошлаб солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда мол-мулк солиғи тўғрисидаги маълумотларнинг етказилишини таъминлайдилар.

Мол-мулк солиғига доир тўловлар солиққа тортилган объект жойлашган ёки рўйхатга олинган манзиддаги маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш тартиби бошқа солиқ турларидан фарқ қилади. Бошқа солиқ турларининг

¹³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент, 1996 йил 29 август

объекти ва миқдори бевосита солиқ тўловчи юридик шахслар жисмоний шахслар томонидан ҳисобланиб, давлат солиқ хизмати органларига солиқдар объектлари миқдори кўрсатилган ҳисобот ҳолатида топширилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига мувофиқ, белгиланган ставкалар бўйича мол-мулкнинг қийматига асосланган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси давлат солиқ хизмати идоралари масъул ходимлари томонидан белгиланган шаклларда ҳисобланган маълумотлар, белгиланган муддатларда бюджетга тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўлотчиларга етказилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йилнинг 1 январидаги ҳолати бўйича, шаҳар ва туман техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморат эгалари тўғрисидаги маълумотлар ва маҳаллий ҳокимиятлар маълумотларига кўра ўтказилади.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи йилнинг 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari томонидан баҳоланган инвентаризация қиймати маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Бу каби маълумотларга эга бўлинмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати солиқ солиш объекти сифатида қабул қилинади. Бунда агар жисмоний шахслар ўз мол-мулкларини тегишли тартибда ҳудудий кадастр идораларида ҳақиқий инвентаризациядан ўтказиб, маълумотларни давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этсалар, мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби ҳақиқий маълумотлар асосида қайта ҳисобланади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай умумий мулки бўлган иморат, бино ва иншоотлар учун ҳар бир мулкдорнинг мазкур объектдаги улушига мутаносиб равишда мол-мулк солиғи тўланади. Янги иморат, бино ва иншоотлар мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар ушбу объектлар барпо этилган ёки солинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан мол-мулк солиғини

тулайдилар.

Мерос мулкдан солиқ меросхўрлар томонидан мерос амалга ошган пайтдан бошлаб тўланади. Мол-мулк жисмоний шахс томонидан йўқ қилинган (бузилган), ёки турли табиий офатларга кўра барбод булган ҳолларда мулкнинг барҳам топган ойдан эътиборан мол-мулк солиғи ундириш тўхтатилади.

Мулкка эгалик қилувчи ҳуқуқи ўзга шахсга кўчган ҳолларда аввалги (собик) мулкдор эгалик қилиб турган тақвим йилининг сўнгги ойи бошига қадар муддатгача, янги мулкдор эса мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Масалан, мулкдор-Н.Ҳолиқов 2015 йил 5 февralида ўзига қарашли бўлган Самарқанд шаҳар, А. Темур кўчаси, 27-хонадонни олди-сотди шартномасига мувофиқ О.Исаевга сотди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 185-моддасига мувофиқ кўчмас мулк олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда нотариал ва давлат идораларидан 2015 йил февраль ойида рўйхатдан ўтказилди. Шу сабабли Самарқанд шаҳар, А. Темур кўчаси, 27-хонадонга эгалик ҳуқуқи 2015-йил февраль ойидан эътиборан О.Исаев шахсига кўчирилди. О. Исаев шу ойдан бошлаб сотиб олган мол-мулки учун солиқ, тўловчи ҳисобланади. 2015 йил январь ойи учун эса Н.Ҳолиқов Самарқанд шаҳар, А. Темур кўчаси, 27-хонадонга ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиғи суммасининг ўн иккидан бир қисmini тўлайди.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар ўзлари мерос тарзида қўлга киритган мол-мулклари учун ҳам мулк солиғининг тўловчилари ҳисобланади. Меросхўрлардан мерос бўлиб ўтган иморат, хонадон, иншоотлар учун солиқ меросхўрлик бошланган пайтдан эътиборан меросхўрлардан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 93-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишда бир қанча имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, қуйидаги жисмоний шахсларнинг:

- «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони

унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат килган шахсларнинг;

- ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахсларнинг;

- Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг еобиқ ёш тутқунларининг;

- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чеклаиған контингенти таркибида ўтаған ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

- қаҳрамон-оилалар, шунингдек, ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

- Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерда вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларизинг);

- пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

- муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг хизматни ўташ даврида;

- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш курмаған рафиқалари (эрлари);

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазибаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган шахсларнинг ихтиёридаги

бўлган иморатаари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди.

Агарда мазкур имтиёздан фойдаланувчи жисмоний шахслар икки ва ундан ортиқ мол-мулкка эга бўлсалар, уларнинг бир мол-мулкигина солиқдан озод этилади ва қолган мулки солиқ қонунчилиги меъёрларига мувофиқ белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқил мазкур шахсга бекор қилинган ойдан эътиборан ўз кучини йўқотади, ҳамда назарда тутилган шахс имтиёз ҳуқуқилан озод этилган календарь йилининг ойдан мол-мулк солиғини тўлайди.

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғига оид муносабатлар Солиқ кодексининг 89-90; 91-93; 95-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 103-сон билан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган йўриқнома асосида тартибга солинади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 89-моддасига кўра юридик шахслар ҳам мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига мувофиқ «Хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган, мустақил баланс ҳамда ҳисоб рақамига эга ташкилот юридик шахс ҳисобланади»¹⁴, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасига мувофиқ асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент, 1996 йил 29 август

ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг қиймати юридик шахслар мол-мулкни солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган айрим тоифадаги юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланмайди. Агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир каторда қўшимча фаолият турлари билан шуғуллансалар, бунинг учун улар алоҳида ҳисоб юритадилар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Амортизация ажратмалари ҳисобланадиган асосий воситаларнинг ижараси:

- ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошса;
- ижарачи асосий воситаларни қатъий иарҳда ёки ижара тугаши бўйича белгиланадиган нарҳда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
- ижарага олинадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижаранинг тугашида уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;
- тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинадиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса лизинг ҳисобланади ва шу туфайли улар солиқ объектига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 31 март 2003 йилда 1107-2-рақам билан рўйхатдан ўтган «Юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада солиққа тортишда мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш учун ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир даслабки кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлиш йўли билан

аниқлаш ва бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилган:

$$A_{\text{ўх}} = \frac{\frac{A_{\text{дх1}}}{2} + A_{\text{об2}} + \dots + A_{\text{об12}} + \frac{A_{\text{ох13}}}{2}}{12}$$

$A_{\text{ўх}}$ – асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати

$A_{\text{дх}}$ – асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати;

$A_{\text{об}}$ – асосий воситадарнинг ой бошидаги қиймати;

$A_{\text{ох}}$ – асосий воситаларнинг йил охиридаги (келгуси йил 1 январь ҳолатидаги) қиймати.

Солиққа тортиладиган асосий мол-мулк ўртача йиллик қийматини аниқлашнинг бу усули амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ эмас.

Чунки, тавсия этилган формулада фақат асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш кўрсатилиб, номоддий активларнинг ўртача қийматини аниқлаш инобатга олинмаган. Бундан ташқари, мазкур формулада мол-мулк солиғи объекта бўлган белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган ва ўрнатилмаган ускуналар қиймати ифода этилмаган.

Худди шунингдек, мол-мулк ўртача қийматини аниқлашда имтиёзли мол-мулк қиймати ҳам чегирилиши эътибордан четда қолган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чикиб, юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ўртача қийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$M_{\text{ўх}} = \frac{\frac{M_{\text{дх1}}}{2} + M_{\text{об2}} + \dots + M_{\text{об12}} + \frac{M_{\text{ох13}}}{2}}{12}$$

бунда:

„

$M_{\text{ўх}}$ — асосий восита ва номоддий активларнинг йиллик ўртача қиймати;

$M_{\text{дх}}$ — асосий восита ва номоддий активларнинг йил бошидаги

киймати;

$M_{об}$ — асосий восита ва номоддий активларнинг ой бошидаги киймати;

$M_{ок}$ — асосий восита ва номоддий активларнинг йил охиридаги (келгуси йил 1 январь ҳолатидаги) киймати.

Солиқ конунчилигига кўра, мол-мулк (номоддий активлар) ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ кийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш оyi тўлиқ ой дея қабул қилиниши, агар мол-мулк (номоддий активлар) ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ киймат амалга киритилган ойдан кейинга ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

2.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғи базасини аниқлаш тартиби

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун баланс активида акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётларининг суммалари ҳисобга олинади (2-жадвал). Бунда асосий воситалар ва номоддий активларга 9 ҳисобланган эскириш суммалари чегирилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Солиқ кодексининг 91-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади. Бунда белгиламган. муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича ундирилади.

Мамлакатимизда экспорт маҳсулоти шйлаб чиқариш ва четга сотишни рағбатлантириш мақсадида вазирлик, корпорация, компания таркибига кирувчи корхоналар учун табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисобининг миллий
стандартлари»га асосан юридик шахслар мол-мулки солиғи
объектларини ҳисобга олувчи бухгалтерия счётлари**

Счёт	Счёт номи
0100	<i>Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар</i>
0120	Бийолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар
0130	Машина ва асбоб-ускуналар
0140	Мебел ва офис жиҳозлари
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси
0160	Транспорт воситалари
0170	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар
0180	Кўп йиллик ўсимликлар
0190	Бошқа асосий воситалар
0199	Консервация қилинган асосий воситалар
0300	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар
0400	НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЕТЛАР
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари
0430	Дастурий таъминот
0440	Ер ва табиий рёсурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари
0450	Ташкилий харажатлар
0460	Франчайз
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари
0480	Гудвилл
0490	Бошқа номоддий активлар
0700	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар
0810	Тугалланмаган қурилиш

Амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ экспорт маҳсулоти ишлаб

чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирма орқали сотадиган вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун қуйидаги миқдорларда сотишнинг умимий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг экспорт улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари қўлланилади. Бунда:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлган ҳолларда – белгиланган ставка 30 фоизга;
- экспорт улуши 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда эса, белгиланган ставка 2 марта камайтирилади.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, бу имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари – пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92-моддаси юридик шахслар мол-мулкани солиққа тортишда бир қатор имтиёзларни назарда тутди. Бундан кўзда тутилган мақсад ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш. Амалдаги қонунчилик меъёрларида мол-мулк солиғига оид имтиёзларни иккига бўлиш мумкин. Биринчидан, юридик шахслар мол-мулкани тўлиқ солиққа тортишдан озид қилиш; иккинчидан, солиққа тортиш базасидан мол-мулк қийматининг муайян қисмини чегиришдир.

Қуйидаги ҳолатларда юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди. Булар:

- нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари;
- ҳалқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун

фондаланиладиган мол-мулк;

- уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулки;

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сониянинг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланидиганларидан ташқари) юридик шахсларнинг мол-мулки;

- янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулки, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида;

- қайтариш муддати беш йилдан ортиқ бўлмаган хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга — ушбу кредитни сўндириш муддатигача.

Бувдан ташқари, қонунчилик ижро ва маҳаллий ҳокимият органларига солиқ тўловларини кўпайтириш, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва бошқа мақсадларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органларига ўз ҳудудида мол-мулки жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан қўшимча имтиёзлар бериш ваколатини ҳам беради.

Юридик шахслар мол-мулкига солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базасидан чегириладиган имтиёзли мол-мулклар қиймати:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари қиймати;

- табиатни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига мувофиқ шу мақсадда фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- санитария-тозалаш мақсадида фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш,

сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек, уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар қиймати;

- алоқа йўлдошлари қиймати;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти қиймати (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

- йул хўжалиги корхоналарининг йўللари таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари қиймати;

- давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари қиймати;

- лизингга олинган мол-мулк қиймати (лизинг шартномасининг амал қилиш муддатигача).

Бунда:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқданган сметалар доирасида харажатларни қоплаш учун бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалари, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

- ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадларда барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилган ташкилотлар;

- молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари,

муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиган (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари) муассаса ва ташкилотлар солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигида қурилиш муддатини белгиланган муддатларда тутатмаган ва усқуналарни белгиланган муддатларда ўрнатмаган юридик шахслар ҳам мол-мулк солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бу мол-мулк солиғини тўловчилар қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар, буюртмачилардир.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати — сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва капитал қурилиш титуллари рўйхатида кўзда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, усқуналар, асбоблар, асбоб-усқуналарни ва бошқа предметларни сотиб олиш харажатлари (қурилиш пудрат ёки хўжалик усқули билан қурилишидан қатъи назар), яъни буюртмачи томонидан Ф-3 шаклида (бажарилган ишлар ва харажатлар ҳажми тўғрисида маълумотнома) расмийлаштирилган статистика ҳисобига объект бўйича киритилган ва тугалланмаган қурилиш счётида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари қисмида) ҳажми солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси таркибида «Қорхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари»га мувофиқ ваколатли ташкилот томонидан белгиланадиган объект қурилишининг меъёрий муддати қурилишнинг белгиланган муддати деб ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатадилар. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олиши зарур.

Капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозланадиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатиш учун технологик, энергетик ва ишлаб

чиқариш ускуналари бўлган юридик шахслар белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Ўрнатишга режалаштирилган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиладиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёқй устунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатиладиган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш счётларида ҳисобланадиган шундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмлар тўплами (меъёрадаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам киради.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш назарда тутилади:

- йирик технология ва энергетика ускуналарн — уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;

- технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзаавод ускуналари — ускуналарни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- комплект импорт ускуналари — уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларга кўра ускунани қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни мрнтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;

- қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трослар — уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаган ҳолатларда солиқ қуйидаги муддатлардан тўлана бошланади:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун — сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;

- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича — сотиб олинганига олти ой тутагандан кейин;

- монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентарлари ва ускуналари бўйича — сотиб олинган кундан бошлаб.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар.

Солиқ тўловчилар томонидан бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бир йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми ойлик солиқ тўлаш миқдори бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар ўзлари ҳисобдан ўтган давлат солиқ хизмати органларига жорий йилнинг 10 январигача жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва белгиланган солиқ ставкаси асосида қуйидаги шаклдаги ҳисоботни тақдим этадилар:

Солиқ тўловчилар мол-мулк солиғи бўйича ҳисоботларига ҳар чорак ва йил якуни билан ҳисобот давридаги мол-мулкнинг ҳақиқий ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, йил бошидан ўсиб бориш тарзида мустақил равишда тузатишлар киритиб борадилар. Якуний ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органларига молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади. Солиқ тўловчилар тақдим қилинган ҳисоб-китоблар асосида ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасини чораклик ва йиллик молиявий

ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатдан беш кун кейин бюджетга ўтказиб беришни таъминлашлари лозим.

3-жадвал

2014 йилнинг декабрь ойи бўйича мол-мулк солиғи суммасининг ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Маълумотлар
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври учун ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	50540,0
2	Солиқ ставкаси, %	3,5
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси, минг сўм (1-сатр х 2-сатр : 100)	1768,9
4	Меъёрдага муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	10345,0
5	Солиқ ставкаси, %	7,0
6	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси, минг сум (4-сатр х 5-сатр : 100)	795,6
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	7584,0
8	Солиқ ставкаси, %	3,5
9	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун солиқ суммаси, сўм (7-сатр х 8-сатр : 100)	265,4
10	Солиқнинг умумий суммаси, минг сўм (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр)	2829,9
11	Ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, минг сўм	2520,2
12	Қўшимча тўланади, минг сўм	309,7
13	Камайтирилади, минг сўм	—

Бундан ташқари, солиқ тўловчилар мол-мулкнинг қолдиқ қиймати, имтиёз

тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхатини мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига илова қилган ҳолда ҳисоботларни топшириш муддатларида давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этадилар.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар эса давлат солиқ хизмати органларига мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани ҳам ҳисобга қўшиб топширадилар.

Ҳисобот даври учун тақдим этилган якуний ҳисоб-китоблар асосида мол-мулк солиғи ортиқча тўланган солиқ суммалари аниқланса, агар бошқа солиқ турлари ва йиғимлар бўйича боқиманда қарзлар мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра кейинги тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун муддатда қайтарилиши лозим.

Корхонада мавжуд товар захираларини солиққа тортишнинг афзаллиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, товар захиралари мол-мулк солиғи объекти таркибига киритилганда қайси баҳода ҳисобга олиниши керак, деган савол туғилади. Товарларни солиққа тортиладиган базада ҳисобга олишда улар қийматидан қўшилган қиймат солиғини чегириш зарур. Бошқача айтганда, корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан товарлар бўйича ҚҚС бўйича чегирмаларни тўғри ва асосланган бўлиши учун бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва счет-фактураларда акс эттирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларидан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, солиқ қонунчилигидаги меъёрий ҳужжатларга асосан муайян хўжалик юритувчи субъектлар, реализация қилинмаган тайёр маҳсулотларнинг меъёрдан ортиқча қолдиқлари учун ҳам тўловни амалга ошириб келмоқдалар. 1999 йил 2 апрелда қабул қилинган “Нормадан юқори ишлаб чиқариш захиралари учун тўлов” деб номланган 688-сонли Йўриқномага мувофиқ, ўрнатилган (белгиланган) нормадан юқори ишлаб чиқариш захираларга эга бўлган юридик шахслар маҳаллий бюджетга мазкур тўловни ўрнатилган нормадан юқори ишлаб чиқариш зпхирллари қийматидан 4 фоизли

ставкада тўлаган: Аммо ўз пайтиди ушбу тўлов кўзланган мақсадни бера олмади ва 2000 йил 12 январга келиб мазкур тўлов “Реализация қилинмаган тайёр маҳсулотларни нормадан юқори қолдиқлари учун тўловни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома билан ўзгартирилди. Кейинчалик ушбу тўлов объекти ҳам ўзгартирилди. Унга мувофиқ корхона омбордаги тайёр маҳсулотининг реализация қилинмаган нормадан юқори қолдиқларининг ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш таннархидан 2 фоизли ставка бўйича солиқ тўламоқда, Фикримизча, ушбу кўринишдаги тўловлар моҳият жиҳатдан мол-мулк солиғидан фарқ қилмайди, Юқоридаги таклифдан келиб чиқиб, яна бир таклифни ўртага ташламоқчимиз: «Реализация қилинмаган тайёр маҳсулотларни нормадан юқори қолдиқлари учун тўловни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномани бекор қилиб, корхона омборидаги тайёр маҳсулотнинг реализация қилинмаган нормадан юқори қолдиқларининг ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш таннархини мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган базага киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу биринчидан, корхоналарнинг бюджет билан бўладиган икки марталик ҳисоб-китоб муносабатларини енгиллаштиради ва иккинчидан, солиққа тотиладиган базанинг ошишига олиб келади. Шунингдек, масалага бундай тарзда ёндашиш мамлакагимизнинг ҳозирги солиқ сиёсати принципларига ҳамда халқаро андозалар талабларига мос келади.

III Боб. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари

3.1. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғидаги номутаносибликни бартараф этиш йўллари

Мол-мулкга солинадиган солиқ, асосан, жойлардаги маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантиради. Ундирилган ана шу солиқ суммаси тенг улушларда маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Ҳозир мутахассислар мол-мулк солиғи ва шу каби ресурс тўловларини анчагина ошириш ва фонда (даромад)га солиқ юкини камайтириш мақсадга мувофиқ деб таъкидлашмоқда.

Мол-мулк солиғи солиқлар тизимида қандай мақсадларда жорий этилади, деган савол туғилиши табиий. Мамлакатимизда мазкур солиқни жорий этишдан қуйидаги мақсадлар кўзда тутилган эди:

биринчидан, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкни сотишга қизиқишини уйғотиш;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш.

Мол-мулк солиғи молиявий нуқтаи назардан рағбатлантирувчилик ва назорат қилиш, маҳаллий бюджетларни тўлдириш нуқтаи назаридан эса, фискал вазифаларини бажаради,

Мол-мулк солиғи юқорида баён қилинганларидан ташқари, мавжуд ишлаб чиқаришни экстенсив кенгайтиришни жиловлаш вазифаларини ҳал қилишга ҳам самарали таъсир қилади. Турли сабабларга кўра, даромадларнинг бир қисми ҳар доим даромад солиғига тортилишдан «қочиб қолади». Аммо у моддий бойликка айлангач, мол-мулк солиғига тортилмасдан иложи йўқ. Сармояларни солиққа тортиш улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради, ортиқча захиралардан ҳоли бўлишга рағбат бўлиб хизмат қилади ва ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорининг ташкил топишини жадаллаштиради. Бундан солиқнинг рағбатлантирувчилик вазифаси келиб чиқиб, у ишлаб чиқаришда мол-мулкдан самарали фойдаланиш, асосий

фондларнинг фойдаланилмайдиган ҳажмини қисқартириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда мулк солиқларидан келадиган даромад етакчи салмоққа эга бўлмаса-да, бу солиқлар солиқ тизимида ўзига хос ўрин тутди. Шунингдек, мулк солиғи давлат бюджетига даромадни таъминлаш билан бирга, даромад ва мулк тақсимоотидаги номуносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Мулк солиқларининг асл мақсади давлат бюджетини манфаатларига ва корхоналар манфаатларига хизмат қилишдай иборат.

Корхоналар мол-мулкини содиққа тортиш механизми, бу - юридик шахслар мол-мулкига солиқ солиш билан боғлиқ бўлган, солиқни ташкил қилишда бевосита иштирок этувчи элементлар мажмуи ҳисобланади. Бу мажмуа: солиқ субъекти; объекти; солиққа тортиш бирлиги; солиқ ставкаси; солиққа тортиладиган база; солиқ имтиёзлари; солиқни тўлаш муддатлари ва бошқа элементлардан иборат.

Ҳозирги пайтда юридик шахсларнинг мол-мулкларини солиққа тортиш механизмида мавжуд бўлган муаммолар аввало солиққа тортиш объектини аниқлаш тартиби ва солиқ ставкаси билан боғлиқдир. Бундан ташқари, 2001 йил 1 январ ҳолати бўйича асосий воситаларни қайта баҳолашнинг амалга оширилиши бу муаммоларни янада мураккаблаштиради. Шунингдек, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда баён қилинган қоидалар амалдаги ҳолатларга унчалик мос келмаяпти. Шу боисдан биринчи муаммо солиққа тортиладиган объект таркибини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, у Солиқ кодексида ҳамда 381-сонли «Юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан, солиққа тортиладиган объект дейилганда корхоналар балансида бўлган асосий воситалар, шу жумладан, лизинг шартномасига кўра сотиб олинган воситалар ва номоддий активларнинг эскириши чегириб ташланмаган ўртача йиллик қиймати назарда тутилади. Солиққа тортиладиган объект корхона мол-мулкининг қийматдаги ифодаси бўлиб, шу корхонанинг балансида бўлган асосий воситалар, номоддий активлар, лизинг шартномаси бўйича олинган мол-мулкларнинг мажмуини ташкил этувчи

баланс қийматидан иборатдир.

Агар ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги коидаларга эътибор берадиган бўлсак, уларда солиққа тортишдаги камчиликларни кузатиш мумкин фикримизча юридик шахслар мол-мулки солиққа тортиладиган объект сифатида, асосий воситаларнинг ўртача йиллик баланси қийматини ҳисоблаш жараёнида асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан эскириш суммаси чегирилганидан кейин қолган қолдиқ қиймати бўйича ҳисобланиши лозим. Чунки корхоналар асосий воситалари эксплуатация жараёнида ўзининг бошланғич сифатини йўқотиб, ҳам жисмоний ҳам маънавий томондан эскиради. Шу туфайли, уларнинг амалдаги ҳақиқий (реал) қиймати эскириш даражасига мувофиқунинг миқдорига нисбатан камаяди. Россиялик иқтисодчи-молиячи олимлар кўпгина корхоналарда асосий фондларнинг эскириш даражаси 70-90¹⁵ фоизни ташкил этмоқда деб, таъкидламоқдалар.

Дарҳақиқат, амалиётда корхона мол-мулкани бошланғич қиймат бўйича солиққа тортиш, аввало, солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилига зиддир, Бу усулда солиққа тортиш, бир томондан, фонд сифими юқори бўлган корхоналар учун мулк солиғи бўйича солиқ оғирлигини оширса, иккинчи томондан, асосий воситаларга эга булмаган (айниқса савдо-сотиқ) корхоналар учун ижобий бўлиб қолмоқда. Натижада, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш. корхоналари ўртасида мулк солиғи бўйича солиққа тортишнинг нотенг ҳоллари юзага келмоқда. Хусусан, солиққа тортиш мақсадида асосий воситаларни ўртача йиллик баланс қийматини бошланғич қиймати бўйича солиққа тортиш ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти талабларига мос келмаслиги ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар балансида мавжуд асосий воситалардан самарали фойдаланишни амалга ошира олмаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Солиқни ҳисоблашда эскириш суммасини солиққа тортиладиган мол-мулк объекти қийматидан чегириш лозим. Чунки асосий фондларни янгилаш ва қайта реконструкция қилишга сафарбар қилинадиган маблағлар солиққа

¹⁵ Газман В. Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Фонд “Правовая культура”, 1997. – с.6

тортиладиган доирадан ташқарида бўлиши лозим. Акс ҳолда, корхоналарда асосий фондларнинг технологик янгиланиш цикли бузилиши ва оқибатда асосий фондларнинг тўлиқ емирилишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги пайтда халқ хўжалиги тармоқларидаги асосий фондларни янгилаш керак. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятида янги илғор технологиялардан фойдаланиш жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Шу муносабат билан корхоналарда эскириш микдорини солиққа, тортиш доирасидан чиқариб, асосий фондларни янгилаш ёки технологик янгиланиш циклини тўғри амалга оширишни ташкил этиш зарур. Фикримизча, солиқни асосий воситалар дастлабки қийматига кўра ҳисоблаш корхоналарни модернизациялаш ва эскирган ускуналарни алмаштириш учун рағбат бўла олмайди. Бошқача айтганда, мол-мулк солиғини асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қийматидан ундириш тартибини сақлаб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди.

Албатта, амалда солиққа тортиш мақсадида асосий воситаларнинг ўртача йиллик баланс қиймати аниқдаш учун қолдиқ қиймати бўйича солиқни ҳисоблаш маълум даражада давлат бюджетига тушиши лозим бўлган солиқмикдорининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолат бюджет даромадларини шакллантиришда бюджет йўқотишларига олиб келиши мумкин. Фикримизча, ушбу бюджет камомади масаласини ечиш учун республикамиз солиқ сиёсатининг концептуал йўналишларига таяниши керак. Айниқса, бозор муносабатларида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, солиққа тортиш мақсадида, корхона мулкчилиқ қуқуқи асосида бўлган узоқ муддатли активлар билан бирга, уларнинг балансида мавжуд бўлган қолдиқлар ёки мулк деб инкор этиб бўлмайдиган бухгалтерия ҳисоби баланс активида акс эттирилган маълум айланма активлар қолдиқларини мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган база таркибига қўшимча элемент қилиб киритиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур методологик хулоса мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектлари мол-мулкларидан самарали фойдаланиш учун аҳамиятли бўлиши баробарида бюджет даромадларини шакллантириш учун амалий асосларни

яратиш ва белгилашда қам муҳимдир. Шундай қилиб, солиққа тортиладиган объектнинг ўзгариши натижасида мол-мулк солиғини мақбуллаштириш солиқ тўловларини режалаштиришнинг асосий принципи бўлиб, у солиққа тортиладиган база қуйидагилар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймаслиги лозим:

1. Корхоналар айланма маблағларини вақтинча тўхтатиб қўядиган ортиқча моддий захираларни қисқартириш.
2. Тайёр маҳсулотларни олди-сотди (жўнатиш) жараёнларини жадаллаштириш.
3. Ишлаб чиқариш технологик цикллари вақтини қисқартириш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш.
4. Ишлаб чиқариш захираларининг мақбул миқдорини белгилаш.

3.2. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмидаги муаммолар

Бюджет даромадига ундириладиган мол-мулк солиғи механизмидаги муаммо солиқ ставкаси билан боғлиқдир.

Маълумки, корхоналар мол-мулк солиғи ставкаси 1991 йилда қабул қилинган "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида"ги Қонунга асосан 0,5 фоиз, 1993 йилда 1 фоиз, 1994 йил 23 сентябрдаги "Айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 2 фоиз, 1996 йил 27 сентябрдаги "1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети билан боғлиқ солиқ ислоҳотларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида асосан 3 фоиз, 1997 йилда Солиқ кодекси ва 381-сонли «Юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага асосан 4 фоиз ва ниҳоят охириги ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ 2001 йил 1 январ ҳолатига 5 фоизни ташкил этди.

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатларини диққат билан кузатадиган

бўлсак, юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкаси мунтазам равишда ошиб борганини кўриш мумкин. Солиқ ставкасининг йил сайин ошиб боришининг асосий сабаби, бу турли мулкчилик шаклидаги хужалик юритувчи субъектлар асосий воситаларининг баланс қиймати ҳақиқий (реал) бозор қийматига мос келмаслиги ва улар бўйича даврий қайта баҳолашнинг амалга оширилмаганлиги билан боғлиқдир. Бироқ ушбу солиқнинг фискал функцияси билан бир қаторда, иқтисодий рағбатлантирувчи функцияси ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз лозим. Корхона мол-мулкига солиқ солишдан мақсад кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда бошқа мулкларнинг корхоналарда меъёрдан ортиқча сақланишини бартараф этишдан иборатдир. Шу билан бирга, меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган ускуналар учун мол-мулк солиғи ставкаси икки барабар кўпайтирилган ҳолда тўлаш белгилаб қўйилган.

Ҳозирги пайтда ўзаро дебитор-кредитор қарздорликларнинг ошиб кетиши кўпчилик корхоналарни инқироз (банкротлик ҳолати)га олиб келмоқда. Ҳозирги шароитда кўпчилик корхоналар мол-мулк солиғини оширилган 5 фоизли ставка бўйича тўлай олмайдилар. Чунки ишлаб чиқариш юқори бўлмаган мол-мулк солиғини беш фоизлик ставкада ҳисоблаб чиқиш (асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш қиймати чегирилмаган бошланғич қийматига нисбатан) унинг фойдасининг маълум фоизга камайишига олиб келади. Натижада, асосий (базавий) тармоқ ҳисобланган (айниқса, металлургия, қурилиш, транспорт, еқилғи-энергетика мажмуаси ва шу каби бошқа) тармоқлардаги корхоналарнинг оғир ахволга тушиб қолишига олиб келади.

Бундан ташқари, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2001 йил 19 февралда Адлия вазирлиги томонида (1008-сон билан) рўйхатга олинган «2001 йил 1 январ ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги йўриқномада амортизация ажратмалари ва мол-мулк солиғини ҳисоблашда асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича натижалар тўғрисида ҳукуматнинг алоҳида қарори қабул қилиниши белгилаб қўйилган,

Йўриқномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият тури ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳамма корхона, бирлашма, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар асосий фонд (восита)ларни қайта баҳолашни амалга оширади. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар учун асосий фондларни янгилаш молиявий фондларни шакллантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Асосий фонд (восита)ларни қайта баҳолаш учун дастлабки маълумотлар 2001 йил 1 январ ҳолати бўйича асосий фондларнинг тўлиқ баланс қиймати ҳисобланади ва асосий воситалар баланс қийматини тиклаш қийматига олиб келиш учун қайта баҳолаш коэффициентлари келтирилган.

Бундан ташқари, ушбу Йўриқномага мувофиқ, корхоналар асосий воситаларини қайта баҳолаш қуйидаги икки усулда амалга оширилиши мумкин:

индекс усули (алоҳида объектларнинг баланс қийматини индексация қилиш йўли орқали асосий воситалар бўлган бино ва иншоотларни турларига қараб, ўзгарувчан индексларни қўллаш);

тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули (асосий воситаларнинг алоҳида объектларини уларга нисбатан қонуний тасдиқланган бозор баҳолари асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш);

2001 йил 1 март ҳолати бўйича, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар асосий воситаларни юқоридаги йўриқномага асосан қайта баҳолашдан мақсад, давлат бюджет даромадларини ошириш эмас, балки асосий фондлар қиймагини амалдаги бозор нархлари ҳолатига тенглаштиришдан иборатдир. Бироқ мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини асосий фондлар қайта баҳолангандан кейинги қиймат бўйича амалга ошириш, солиқ тўловчилар учун солиқ оғирлигини ошириши мумкин. Чунки қайта баҳолаш ҳисобига асосий фондларнинг ошган қиймати тўғридан-тўғри юридик шахслар мол-мулк солиғига ўз таъсирини кўрсатади ва солиқ суммаси қайта баҳоланган қийматнинг ошиши ҳисобига кўпаяди. Демак, 2001 йил 1 январ ҳолатидаги солиққа тортиладиган база 2002 йил 1 январ ҳолати бўйича ўрнатилган ўртача

коэффициентларга мувофиқ ошади. Бу хўжалик юритувчи субъектларларнинг хўжалик молиявий фаолиятига салбий таъсир қилади. Анифоғи, қайта баҳолашнинг амалга оширилиши мол-мулк солиғи бўйича солиқ тўловчилар учун солиқ оғирлиги муаммоларини юзага келтиради. Фикримизча, бу муаммони бартараф қилиш, яъни хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкидан олинadиган солиқнинг кескин ошиши олдини олиш учун, амалдаги ҳолатлар бўйича давлат бюджетининг ҳам, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам, манфаатларига мос келувчи вариантларни ишлаб чиқиш лозим. Назаримизда, солиқ механизмини таҳлил қилиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкидан олинadиган солиқ механизмида мавжуд бўлган 5 фоизли солиқ ставкасифчамалдагидан пастроқ қилиб белгилаш аййи муддаодир.

Чунки қайта баҳолашдан сўнг солиқ тўловчилар учун солиқ оғирлиги ошиши олдини олиш мақсадида солиқ ставкасини камайтириш ҳисобига, қайта баҳолашдан кейин ошган солиқ суммасини уларнинг амалдаги солиқ суммаси билан тенглаштириш зарур. Шунингдек, солиқ ставкасининг халқ хўжалиги асосий кўрсаткичлари динамикаси билан боғланганлигини таъкидаашимиз керак. Бирок ханузгача мол-мулк солиғи механизмидаги ставкаси юридик шахсларнинг иқтисодий фаолиятига қандай таъсир қилиши ҳозиргача аниқ эмас. Ушбу йўналишда қуйидаги муаммоларни аниқлаш лозим:

- солиқ ставкасининг юридик шахслар хўжалик фаолияти даромадлилигига таъсири;
- солиқ ставкасининг юридик шахслар ишлаб чиқариш фаоллилиги ва шунга мувофиқ, равишда иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири;
- солиқ ставкасининг юридик шахслар асосий фондлари жамғарилиш динамикасига таъсири;
- солиқ ставкасининг фискал йиғимлар ҳажмига таъсири.

Шак-шубҳасиз бу саволларнинг ҳар бири ўзига хос бўлса-да, лекин уларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, қўйилган масалаларнинг биттасини счиш кўпинча бошқаларининг ечимига аниқлик киритади. Мол-мулк солиғига доир фискал сиёсатнинг яна бир жиҳати ставкани

камайтириб, маълум даражада корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини жонлантиришдир. Бу шундан далолат берадики, мол-мулк солиғи ставкаси камайтирилиши қайта баҳоланган асосий воситаларнинг солиққа тортиладиган оғирлигини бартараф қилиши мумкин.

3.3. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини бошқариш механизмини такомиллаштириш

Асосий воситалар ва номоддий активлар қийматини қайта баҳолаш, мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизмига бевосита алоқадордир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган 2001 йил 19 февралда Адлия вазирлиги томонида (№1008 рақам билан) рўйхатга олинган “2001 йил 1 январ ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги йўриқномага асосан, корхоналар мол-мулки қайта баҳолаш амортизация нормаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу йўриқномада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият туридан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, асосий фонд(восита)ларни қайта баҳолашни амалга оширади, деб таъкидланган. Асосий фондларни қайта баҳолаш учун дастлабки маълумотлар 2001 йил 1 январь ҳолатига бўлган асосий фондларнинг тўлиқ баланс қиймати ҳисобланади ва асосий воситалар баланс қийматини тиклаш қийматига олиб келиш учун қайта баҳолаш коэффициентлари берилган.

Юқоридаги йўриқномага мувофиқ, корхоналар асосий воситаларини қайта баҳолаш қуйидаги икки усулда амалга оширилиши мумкин: индекс усули (алоҳида объектларнинг баланс қийматини индексация қилиш йўли орқали асосий воситалар бўлган бино ва иншоотларни турларига қараб, ўзгарувчан индексларни қўллаш); тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули (асосий воситаларнинг алоҳида объектларини уларга нисбатан қонуний тасдиқланган бозор бахрлари асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш).

Асосий фондларни қайта баҳолаш уларни замонавий шароитларга мувофиқлигини амалга оширишга олиб келади ва бу қуйидагилар учун зарур ҳисобланади:

1. Турли йиллардаги асосий фондлар баҳосини тўлиқ бошланғич қиймат бўйича аралаш баҳолашни бартараф қилиш;
2. Асосий фондларни ишлаб чиқариш учун, меҳнат воситаларига ижтимоий зарур харажатларга мувофиқ келадиган баҳоларни ўрнатиш;
3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш;
4. Маҳсулот таннархига тузатишлар киритиш;
5. Воситаларининг ҳақиқий эскиришининг (пул бирлигида) аниқлаш ва уларни жамланган амортизация ажратмаларига таққослаш.

Қайта баҳолашдан мақсад, бозор иқтисодиётининг замонавий шароитида корхоналар асосий фондларини ҳақиқий бозор қийматини аниқлаш ва мамлакатда инвестицион жараёнлари истиқболларини мувофиқлаштиришни ташкил этишдир. Асосий фондларни солиққа тортиш мақсадида, уларнинг тегишлилига бўйича классификацияси, қўлланиш ёки фойдаланиш доираси ва турлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қайта баҳолашни амалга ошириш корхоналардаги асосий воситалар қийматини амалдаги бозор нархларига тенглаштиришни ташкил этиш ҳамда корхоналарда солиқ оғирлигини ошишини олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Йўриқдомада асосий воситалар группаларга бўлинган ҳолда, уларнинг баланс қийматини тегишли қайта ҳисоблаш коэффициентларига мувофиқ, кўпайтирилади. Коэффициентлар асосий воситаларнинг тўлиқ, гуруҳи учун ўрнатилган бўлиб, яъни ҳар бир конкрет ҳолдаги турли асосий воситалар объектларини ўз ичига олади ва бундай усул корхоналарда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг фақат ҳақиқий қийматига яқинлашишини акс эттириши учун қўлланилади. Асосий фонд(восита)лар тиклаш қиймати бўйича қайта баҳоланади, яъни асосий фондларнинг тиклаш қиймати уларнинг тўлиқ баланс қийматини тегишли коэффициентларга кўпайтириш йўли орқали аниқланади. Бироқ бундай йўналишдаги ишларни амалга

ошириш учун малакали баҳоловчи-мутахассислар зарур.

Асосий фонд(восита)ларни қайта баҳолаш 2001 йил 1 январь ҳолатига юқоридаги йўриқномага асосан амалга ошириш кўзда тутилган бўлсада, лекин хўжалик юритувчи субъектлар 2000 йил якунлари бўйича балансида ҳисобга олинган асосий воситаларни қиймати бўйича бюджет билан бўладиган ҳисоб китобларини амалга оширмоқдалар, чунки йўриқномада амортизация ажратмалари ва мол-мулк солиғи бўйича алоҳида қарор ишлаб чиқиши таъкидланган.

Асосий воситалар ва тугалланмаган қурилишни белгиланган коэффицентларга мувофиқ,, қайта баҳолашни амалга ошириб,корхоналар кўпинча бир хил объектга бўлган (қайта баҳолашдан кейин) амалдаги бозор баҳоларига нисбатан асосий воситаларнинг баланс қийматини оширишга интилмайдилар, чунки буидай ҳол бир томондан мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган объектнинг ишига олиб келса, иккинчи томондан амортизация ажратмаларининг ошишига сабаб бўлди. Тиклаш қиймати бўйича қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ошган баланс қиймати бир вақтнинг ўзида мол-мулк солиғи суммаси ва эскириш суммасининг ошишига олиб келади, натижада бундай ҳоллар келажакда маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади. Бундай ҳол сунъий равишда маҳсулотлар таннархининг ошиши, молия йилида олинадиган фойданинг ҳажмига таъсир қилади ва фойдадан тўланадиган соғиқларга жумладан, мол-мулк солиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан амалда асосий фондларни қайта баҳолашни амалга ошириш натижасида давлат бюджет даромадларини шакллантиришда ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятига, айниқса, мол-мулк солиғини ҳисоблашда оптимал вариантини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет даромадларини шаклланишида манбаларни тўғри тақсимлаш ҳамда солиқ тўловчилар учун солиқ юки ошиши олдини олиш мақсадида асосий фондларни қолдиқ қиймати бўйича солиққа тортиш ҳозирги кунда мақсадга мувофиқ, ҳисоблаймиз. Бироқ, қайта баҳолашдан кейин солиқни

қолдиқ қиймати бўйича ҳисоблаш маълум даражада бюджетга келиб тушиши лозим бўлган солиқ суммасининг ошишига олиб келади, яъни хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ оғирлигини ошиши мумкин, яъни тегишли ўртача коэффициентларга мувофиқ асосий фондларнинг қолдиқ қийматлаш қайта баҳолашдан сўнг, қайта баҳоланган асосий фондларнинг қолдиқ қиймати мос равишда мол-мулк солиғи суммасини ошишига олиб келиши мумкин.

Асосий фондларнинг қолдиқ қийматидан эскириш қиймати чегирилгандан кейинги, амалдаги ҳолат мол-мулкларнинг ҳақиқий қийматини кўрсатади. Қайта баҳолаш давлат бюджет даромадларини ошириш мақсадида эмас, балки асосий фондларнинг қийматини амалдаги бозор нархлари ҳолатига тенглаштиришга олиб келади. Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини асосий фондлар қайта баҳолангандга кейинги қиймат бўйича амалга ошириш, солиқ, тўловчилар учун солиқ оғирлигини ошириши мумкин, чунки қайта баҳолаш ҳисобига асосий фондларнинг ошган қиймати тўғридан-тўғри юридик шахслар мол-мулк солиғига ўз таъсирини кўрсатади. Солиқ суммаси қайта баҳоланган қийматнинг ошишини ҳисобига ошади. Демак, 2001 йил январь ҳолатидаги солиққа тортиладиган база 2002 йил 1 январ ҳолатига келиб ўрнатилган ўртача коэффициентларга мувофиқ ошади, Бундай ҳол хўжалик юритувчи субъектларларнинг хўжалик молиявий фаолиятига салбий таъсир қилиши шубҳасисиздир, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қайта баҳолашни амалга оширилиши мол-мулк солиғи бўйича солиқ тўловчилар учун солиқ оғирлиғи муаммоларини юзага келтиради. Фикримизча, бу муаммони бартараф қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкидая оливадиган солиқ кескин ошишининг олдини олиш учун, амалдаги ҳолатлар бўйича ҳам давлат бюджетининг, ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига мос келувчи вариантларни ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг назаримизда, солиқ механизмини таҳлил қилиш асосида ушбу муаммони ечиш учун хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкидан олинадиган солиқ механизмида мавжуд бўлган 3,5%ли солиқ ставкасини

амалдагидан пастроқ қилиб белгилаш айти муддаодир. Чунки қайта баҳолашдан сўнг солиқ тўловчилар учун солиқ оғирлиги ошишини олдини олиш мақсадида солиқ ставкасининг камайтириш ҳисобига, қайта баҳолашдан кейин ошган солиқ суммасини уларнинг амалдаги солиқ суммаси билан тенглаштиш зарур. Шунинг учун бу ерда энг муҳим бўлган масалалардан бири солиқ ставкасини халқ хўжалиги асосий курсаткичларининг динамикасига таъсири билан боғланганлигини таъкидлашимиз мумкин. Лекин ҳанузгача мол-мулк солиғи ставкаси юридик шахсларнинг иқтисодий фаолиятига қандай таъсир қилиши аниқ эмас. Ушбу йўналишда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш зарур: солиқ ставкаси юридик шахслар хўжалик фаолиятининг даромадлилигига таъсири; солиқ ставкасини юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш фаоллилигига ва шунга мувофиқ равишда иқтисодий ўсиш суратларига таъсири; солиқ ставкасини юридик шахсларнинг асосий фондларининг жамғарилиш динамикасига таъсири; солиқ ставкасининг фискал йиғимлар ҳажмига таъсири.

Шак-шубҳасиз, бу саволларнинг ҳар бири ўзига хос бўлса-да, лекин уларни ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ ва уларни изохлаш ягона методологич базани кўзда тутди. Бундан ташқари, қўйилган масалаларнинг биттасини ечиш, кўпинча, бошқаларининг ечимига амиқлик киритади. Мол-мулк солиғига дойр фискал сиёсатнинг бошқа томони бўлиб, у ҳам бўлса, ставкани камайтириб, маълум даражада корхоналарнинг иқтисодий фаоллигини жонлантиришдир. Бироқ, солиқ, ставкасини камайтиришнинг етарли даражада рағбатлантирувчи таъсири бўладими ҳамда солиққа тортиладиган базани кенгайтирилишининг амалга оширилиши бюджет йўқотмасини қоплайдими ёки йўқми? деган фикр туғилади. Бу шундан далолат берадики, мол-мулк солиғи ставкасининг камайтирилиши, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳисобига ошган солиқ оғирлигини бартараф қилиши мумкин.

Маълумки, солиқ оғирлигини камайтириш иқтисодий ўсишга ижобий

таъсир қилади ва киска муддат ичида давлат бюджети йўқотишини қоплашга имконият туғдиради. Аксарият ҳолларда, барча тармоқлардаги корхоналарга мол-мулк солиғининг ягона ставкаси қўлланилиши, уларнинг солиққа тортишда тенг бўлмаган шароитларга олиб келмоқда. Масалан, озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам оғир машинасозлик корхоналари ҳам солиққа тортишда тенглашиб қолмоқда. Натижада, фонд сифими юқори бўлган тармоқнинг корхоналари асосий мол-мулк солиғи тўловчилар бўлиб, улар молиявий йилда олган даромадининг катта қисми мол-мулк солиғи сифатида ундирилмоқда. Бундай ҳолат маълум даражада корхоналарнинг мол-мулки ва инвестиция жамғармаларига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, унча катта асосий фондларга эга бўлмаган корхоналар, масалан, савдо ва воситчилик фаолияти билан шуғулладиган корхоналар қулай шароитга эга бўлмоқда. Солиқ ставкасини пасайтириш тўғрисида гап борганда, биринчи навбатда бизнинг амалдаги иқтисодий ҳолатимизга яқинроқ бўлган айрим МДХга аъзо мамлакатлар солиқ тизимида амал килаётган корхоналар мол-мулк солиқ механизмидаги ставкалар ҳолатига назар солган ва солиқ ставкаларини такдослаган маъкул. Россия, Федерациясида у 2% ошмайди, Арманистон Республикасида 0,2%-0,8% , Қозоғистон Республикасида 0,5%^а, Грузияда 1% ташкил этади.

Солиқ ставкасини белгилашда, асосан, фойда солиғига асослаш керак, чунки қайта баҳолашдан кейинги мол-мулк солиғи олинган фойданинг бир қисмини ташкил этади. Юридик шахсларнинг мол-мулки солиғи фоиз ставкасини оптимал вариантлари 4- жадвалда келтирилган:

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий фондларнинг солиққа тортиладиган базаси 3 748,5 млн. сўмни ташкил қилиб, 3,5% ставка бўйича солиққа тортилганда, солиқ суммаси 131,0 млн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Корхоналар мол-мулк солиғи ставкасининг ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги метод	Таклиф этилаётган метод	
			1-вариант	2-вариант
	Асосий фондлар қиймати	13492	2549988	2549988
	Солиққа тортиладиган база	3748,5	70846	70846
	Солиқ ставкаси	3,5%	0,3%	0,5%
	Амортизация қиймати	4452	-	-
	Эскириш даражаси (%)	33	-	-
	Қайта баҳолаш коэффициенти	18,9 ⁶	-	-
	Тиклаш қиймати	70846	-	-
	Мол-мулк солиғи суммаси	131,0	212,5	354,0
	Амалдаги шартларга нисбатан тафовут	X	+81,5	+223

Изоҳ: 1-вариантда солиққа тортиладиган объект асосий фондларнинг амалдаги баланс қиймати

2-вариантда солиққа тортиладиган объект асосий фондларнинг қолдиқ қиймати ҳисобга олинган

Агар асосий фондлар бошланғич қиймат бўйича қайта баҳолангандан кейин 3,5% ставка бўйича солиққа тортиладиган бўлса, унда солиқ суммаси ошади. Шунинг учун, ҳозирги шароитида қайта баҳолашдан кейин давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига мос келувчи солиқ ставкасини ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда. Келтирилган маълумотларга асосан, мол-мулк солиғи бўйича солиқ оғирлигини олдини олиш учун, солиқ суммасини қайта баҳолатдан кейин асосий фондларнинг қолдиқ қиймати бўйича 0,3% ставкада ҳисоблаш кўзланган натижани беради. 3-жадвал маълумотларига кўра, асосий фондларнинг амалдаги шартлар бўйича солиқ суммаси 131,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, таклиф қилинаётган шартлар бўйича, асосий фондларнинг қайта, баҳоланган қолдик қийматидан, 0.3%

солиқ ставкасини кўллаш натижасида солиқ сўммаси 212,5 млн. сўмга етади. Давлат бюджетига тушиши мумкин бўлган солиқ суммасини ҳажми 81,5 млн. сўмга ошади ва солиқ ставкаси фоизини оптимал, деб ҳисобласа бўлади.

Демак, қайта баҳолашни амалга ошириш тартибига мувофиқ асосий воситаларнинг қийматини, амалдаги бозор баҳолари бўйича қайта тиклаш қийматини аниқлаш имконини беради. Қайта баҳолаш мақсадида асосий воситаларнинг бозор қийматини аниқлаш учун мулкни баҳоловчи квалификация аттестатларга эга бўлган профессионал баҳоловчиларнинг эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, ҳозирги кунда баҳоловчиларни лицензиялаш Республикамизда тўлиқ шаклланган эмас, шу муносабат билан, қайта баҳолаш натижалари бўйича жавобгарлик корхона раҳбарининг зиммасида қолмоқда, агарда қайта баҳолашда маълум асосий воситаларнинг қийматини номувоқлиги бўйича муаммолар туғилганда (агар шартномада келишилган бўлса), эксперт малакали баҳоловчиларни жалб қилишлари мумкин.

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан яна бири, бу солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш бўлиб, бир хил солиққа тортиладиган базага эга солиқларни бирлаштириш (унификация) қилиш ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини ишлаб чиқишда ҳалқаро солиқ амалиётига мувофиқ мулкний солиққа тортиш шакли сифатида кўчмас мулкни солиққа тортишга ўтиш кенг тарқалган ҳамда мақсадга мувофиқ, деб тан олинган солиқ тури бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан мамлакатимизда мулкларни солиққа тортитиш тизими бўйича янгича ёндашишни амалга ошириш кўзда тутилмоғи лозим, яъни:

биринчидан, ягона мулкний мажмуа — ер участкалари ва унда жойлашган бинолар, иншоотлар, қурилишлар ва иморатлар сифатида юридик шахсларга тегишлилигига қараб, солиққа тортишнинг ягона объекти ўрнатилиши;

иккинчидан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар солиқ тизими амалиётида кўчмас мулк солиғи кенг тарқалган асосий мулкний солиқ

бўлиб, ҳалқаро амалиётнинг кўрсатишича, барта ривожланган мамлакатларда солиққа тортиладиган база бўлиб кучмас мулкнинг бозор қиймати ҳисобланади.

Бозор қиймати асосида кўчмас мулкларни солиққа тортиш маҳаллий ҳокимиятлар учун самарали бошқариш воситалари ҳисобланади ва кўчмас мулк солиғидан тушадиган тушумларнинг тақсимланиши шундай бўлиши лозимки, уларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетда қолиши керак бўлади.

Кўчмас мулк солиғига ўтиш жараёнида, унинг объекти, базаси ва ставкаси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилиши керак

Уорд М. Хасси ва Дональд С. Любик томонидан ишлаб чиқилган “Жаҳон солиқ кодекси асослари”нинг лойиҳасини IV бўлимини 1, 2 ва 3 бобларида кўчмас мулк қуйидагача баён қилинган: "кўчмас мулк термини бир ер участкаси ва у билан биргаликда боғланган ҳамма (барча) яхшиланишларни билдиради; “яхшиланишлар” термини бу ерда жойлашган исталган бинолар ёки бошқа кўчмас мосламалар ёш кўчмас мулк объектам билдиради.

«Мазкур бўлим мақсади учун исталган участканинг солиқ базаси бўлиб ушбу участкага алоқадор суммаси: ернинг базис қиймати; ва яхшиланишлар базис қийматидан ташкил топиши мумкин», деб ёзилган.

Мол-мулк учун ернинг базис қиймати, зонадаги ер баҳосини уни майдонига кўпайтириш орқали (тўлиқ метр квадратда) аниқланади.

Ернинг баҳоси кўчмас мулк бошқармаси томонидан зоналарнинг ҳамма ўхшаш характердаги ерлари учун аниқланади. Зонада исталган метр квадратдаги ернинг баҳоси ернинг бозор баҳосига тенг бўлиши лозим.

Мол-мулк учун яхшиланишлар базис қиймат бўлиб, ушбу мулкда бўлган турли яхшиланиш компонентларининг базис қийматларидан иборатдир. Исталган бундай компонентнинг базиси, унинг майдонини (тўлиқ метр квадратда) ёки бошқа тўғри келадиган параметрли яхшиланишлар баҳосига кўпайтириш билан аниқланади. Яхшиланишлар баҳоси — кўчмас мулк бошқармаси томонидан яхшиланишлар турлари бўйича йиғими

аниқланади ва аниқ тан олинган объектив характеристикага асосланади. Бошқарма яхшиланишларни ҳар бир тури учун квадрат метр бўйича баҳоларини баҳолайди. Шу билан бирга, эскириш ҳам ҳисобга олинади, яъни яхшиланишларни баҳосини аниқлашда исталган яхшиланишлар компонентларининг баҳоси эскириш даражасига (мазкур яхшиланиш тури учун) камаяди. Бундан ташқари, солиқ маъмурияти томонидан қаммага бир хил бўлган усулда баҳолаш тўғрисида йўриқнома тақдим қилиниб, кўчмас мулк бошқармаси томонидан барча кўчмас мулклар бўйича ер ва яхшиланишларнинг базис қиймати аниқланади. Шу асосда кўчмас мулк бошқармаси ернинг ва яхшиланишлар баҳосини қайта кўриб чиқди, солиққа тортиладиган қийматдан чегирмалар ва солиққа тортилмайдиган минимум уч йилда кам бўлмаган муддатда бир марта ҳамда беш йилдан кечиктирмай бир марта, исталган солиқ йилида қўйиладиган даврий қайта кўриб чиқилмаган тақдирда инфляция индексларига тузатиш қилинади.

Кўчмас мулк солиғи маҳаллий солиқлар таркибига киритилишини ҳисобга олган ҳолда, мол-мулк солиғига ва ер солиғига дахлдор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилишда маҳаллий шарт-шароитларни ва белгиланган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда, у ни алоҳида инобатга олиш лозим. Ҳозирги пайтда Республикамизда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарор топишига ва ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Маҳаллий ҳудудларни ривожлантиришда зарур шарт-шароитларидан бири бўлиб, улардаги молиявий ва моддий маблағларни ошириш сифатида муайян ҳудудда жойлашган мол-мулкларнинг ривожланишини уйғунлаштиришдир. Шу муносабат билан , Республикамизда мол-мулк ва ер муносабатларини асосли ва самарали солиққа тортиш соҳасида икки масалани ечиш лозим, бу кўчмас мулкни баҳолаш институтни ривожлантириш ва солиқнинг муносиб шаклини танлашдан иборат. Муайян ҳудуд ерларини ва бошқа кўчмас мулкларни (оммавий баҳолаш) баҳолаш мақсадида бир томондан кўчмас мулклар

баҳосининг пасайишига йўл қўймаслик учун ва иккинчи томондан солиқ сиёсатининг салбий оқибатлари олдини олиш зарур.

3.4. Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғини ошириш йўллари

Турли даражадаги бюджет даромадларини ташкил этишда юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғини ҳиссаси абсолют миқдорларида ўсиб бормоқда. Ушбу бюджет даромадларига тушадиган мол-мулк солиғидан тушадиган даромадлар етакчи салмоққа эга бўлмасада, республика солиқ тизимида ўзига хос ўрин тутди. Ундан бюджетга тушум миқдори солиқ тўловчи жуда кўп ёки кам маҳсулот ишлаб чиқариб, сотса ҳам, умуман ишламаса ҳам ўзгармайди. Агарда корхонани экспортга чиқарадиган маҳсулот (товарлари) бўлмаса, фақат ушбу ҳолат имтиёзлар ҳисобидан бюджетга тушадиган мол-мулк солиғини пасайтириши мумкин бўлади. Шунинг учун солиқ тўловчи бу солиқ тури бўйича солиқ юкини камайтириш мақсадида иложи борица кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариб чет мамлакатларига реализация қилишга интилади, ҳатто ўз олдида мақсад ҳам қилиб қўяди.

Солиққа тортиладиган мулкга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг тўловчиларидир. Юридик шахслар мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси юқорида айтиб ўтилганидек:

- асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ кийматидан;
- норматив муддатда тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик кийматидан ташкил этилади.

Айтиш жоизки, амалда юридик шахслар мол-мулк солиғининг ставкаси охириги 2 йилда ўзгармасдан келмоқда, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ кийматига нисбатан 4 фоизни ташкил этмоқда. Бу ставка экспорт қилинган

маҳсулотнинг умумий реализациядаги улушига қараб, 30 фоиздан 50 фоизгача пасайтирилиши мумкинлиги Солиқ кодексида белгилаб қўйилган.

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси бўлиб солиққа тортиладиган мол-мулкнинг инвентаризация (тикланиш) қиймати хизмат қилади.

Мол-мулк солиғини ва айниқса, жисмоний шахслар мол-мулк солиғини охирги йилларда такомиллаштиришга қаратилган бир катор тадбирлар амалга оширилиши зарурият даражасига кўтарилган. Масалан, 2008 йилда мол-мулк солиғини ҳисоблашда солиққа тортиш объекти бирмунча ўзгартарилди. Яъни айрим мол-мулк солиғи бўйича мулкнинг бошланғич қийматидан инвентаризация (тикланиш) қийматига ўтилди. Натижада, солиққа тортиш базаси миқдори 6-8 баравар, бюджетга тушумлар миқдори ҳам шунча ошиб, солиқ юки мутаносиб равишда ошиб кетишига сабаб бўлди. Ҳозирда эса бундай тадбир амалга оширилмаган. Айтиш жоизки, мол-мулк солиқ юки 2013-2014 йилда мол-мулк солиғининг кескин оширилган ставкалари киритилиши ҳисобига янада ошади (5-жадвал).

5-жадвал

2014-2015 йилларда жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкалари динамикаси

(инвентаризация нархига нисбатан фоизларда)

№	Солиққа тортиш объектлари	Ставка 2014 йил	Ставка 2015 йил
1.	Уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа қурилмалар, бино ва иншоотлар	0,5	0,75
2.	Шаҳарларда жойлашган, умумий майдони қуйидагича бўлган уй-жойлар, квартиралар		
	200 кв.м.дан кўп ва 500 кв.м.гача	-	0,9
	500 кв.м.дан кўп	-	1,13

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тугрисида”ги сонли қарори.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг асосий ставкаси 2015 йилда ўтган 2014 йилдагига нисбатан 50 фоиз ошиб, 0,75 фоизга етган. Ундан ташқари шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.метрдан кўп бўлган уй-жойлар, квартиралар учун поғоналаштирилган солиқ ставкалари қўлланила бошланди. Шунингдек, поғоналарни ҳисобга олганда жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг ставкаси ўртача 1,6-1,7 баравар ва мол-мулк солиғига тўғри келадиган солиқ юки тегишли равишда ошганига қарамай, нафақахўрларга мол-мулк солиғидан берилган имтиёз миқдори мутаносиб равишда ўзгармади ва олдингидек 60 кв.метрга тенглигича қолди.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқни ундириш механизми узлуксиз такомиллаштирилиб турилиши лозим. Таҳлиллар бу соҳада ҳали ҳам ечимини кутаётган айрим муаммолар борлигини кўрсатаётир. Масалан, юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи ставкасини белгилаш чоғида мулк структурасининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур бўлмоқда.

Шунингдек, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи бўйича оширилган ставкаларни белгилашда, шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартираларнинг солиққа тортиладиган майдони, уларда яшовчилар сонидан қатъий назар ҳисобга олинади. Ваҳоланки, майдони 500 кв.метрдан кўп бўлган битта уйда фақат икки кишидан иборат оила ёки 20-30 кишидан иборат оила яшаши мумкин. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни амалга қўллашни тавсия сифатида тақдим этишни муҳим деб биламиз:

- юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи ставкасини белгилаш чоғида мулкнинг актив қисми (машиналар ва жиҳозлар)дан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг янгиланишини жадаллаштириш имконини берувчи ставкаларини иқтисодий чегарасини белгилаб чиқиш;

- жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи бўйича оширилган ставкаларни белгилашда уйнинг умумий майдонидан эмас, балки унда

яшовчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган яшаш майдони миқдоридан келиб чиқишда уларни ижтимоий ҳолати, ўртача иш ҳақиларини эътиборга олиш лозим;

- жисмоний шахслар мол-мулк солиғи бўйича солиқ юкини ошиб кетганлигини эътиборга олиб, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида, уларга бериладиган имтиёзли майдон ҳажмини солиқ юкининг ўсишига мутаносиб равишда оширмоқ лозим.

Ушбуларни солиқ амалиётига жорий қилиш мол-мулкдан бюджет даромадларига тушадиган тушумларни ошириш имконини беради.

IV боб. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда қутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бўлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўриқларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали

касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовкин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁶ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан

¹⁶ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ

(айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг

бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи ойда бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник

раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;
- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини,

ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, темирйўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг

жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁷ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;
- г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоччилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

- 1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва

¹⁷ Фавқулотда вазият кейингиларда-ФВ

йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки каттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган

объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шовшшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва

бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори биолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланиши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

4.4. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис кўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-

парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил

боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни кимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам электр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак.

Хулоса

Солиқ тизими янада ислоҳ қилинаётган бир пайтда юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бюджет даромадларига ундириладиган мол-мулк солиғининг амал қила бошлаганига узоқ вақт бўлмаган бўлсада, шу қисқа давр ичида унинг солиқ тизимидаги ўрнини ва аҳамиятини кучайтириш, бозор талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятларини рағбатлантиришдаги ролини ошириш борасида бир қанча ишлар қилинди ва қуйидаги йўналишларда давом эттирилмоқда:

- солиқни ундириш бўйича мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва барқарорлигини таъминлаш;
- мол-мулк солиғи тўловчилари учун ягона бўлган солиқ ундириш механизмини такомиллаштириш;
- солиққа тортиш мақсадида мол-мулк солиғи объекти таркибига қўшимча элементларни киритиш ва улар қийматини баҳолаш ҳамда қайта баҳолашнинг мукамал тизимини яратиш;
- ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, маҳсулот экспортини ошириш мақсадида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлашда томонларнинг белгиланган ҳуқуқ; ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга доир чоратadbирларни ишлаб чиқиш.

Олиб борилган изланишлар натижасида юридик шахслар мол-мулкини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- бозор иқтисодиёти шароитида мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш мақсадида корхоналар мол-мулк қийматининг асосланган бозор қиймати бўйича солиққа тортиш;
- мол-мулк солиғи ставкасини қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда

амалдагига нисбатан пастроқ қилиб белгилаш;

- юридик шахслар мол-мулк солиғи объектини таркибига кирувчи иомоддий активларни солиққа тортишда ҳисобга олмаслик. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида улар корхона активларини янгилашга имкон беради;

- корхоналар ер ва мулк солиқлари ўрнига, ер қиймати баҳосини аниқлаш шарти билан ягона "кўчмас мулк солиғи"ни жорий қилиш керак. Бу орқали солиққа тортишни енгиллаштириш ва уни самарадорлигини ошириш мумкин;

- корхоналар мол-мулк солиғи ставкасини 3,5%дан 0,3%га пасайтириш.

- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ва рағбатлантирувчилик самарадорлигини ошириш.

- барча солиқларга, хусусан, мулк солиғига ҳам тегишли бўлган нарса бу солиқнинг меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

- корхоналарда тугалланмаган қурилиш қийматини, мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиладиган объект таркибидан чиқариш;

- амалдаги солиқ тизимида мавжуд бўлган иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш лозим.

Солиқ юкини камайтириш иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади ва у қисқа муддат ичида давлат бюджети йўқотишини қоплашга имконият тугдиради.

Ҳозирги шароитда қайта баҳолашдан кейин давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига мос келувчи солиқ ставкасини ишлаб чиқиш зарурати тугилмоқда. Тегишли маълумотларга ва қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, мол-мулк солиғи бўйича солиқ оғирлиги олдини олиш учун солиқ суммасини қайта баҳолашдан кейин асосий фондларнинг қолдиқ қиймати бўйича 5 фоизли ставкада ҳисоблаш кўзланган натижани беради. Юқорида қайд этилганларга асосланиб, корхоналар мол-мулк солиққа тортиш механизмида:

1. солиққа тортиш мақсадида корхоналар мол-мулкнинг қолдиқ

(қайта тиклаш) қийматидан фойдаланиш;

2. солиққа тортиладиган объект таркибидаги қўшимча элементларни ҳисобга олиш;

3. Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш механизмида икки фоизли ставкадан фойдаланиш каби ўзгартирилган солиқ элементларини жорий этиш ўз ижобий самарасини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. -74 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси – Т.: Адолат, 2012.- 45-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: 1990 йил. 31 октябр 128 б.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 265-б.

- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1995, 205-б.
- 12.Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
- 13.Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2011.
- 14.Газман В. Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Фонд “Правовая культура”, 1997. – с.6
- 15.Шаталов С.Д. Развитие налоговой системы России. Проблемы, пути решения и перспективы. М., 2000.
- 16.Пансков В., Игнатьев Д. Налоговый федерализм и местные налоги - РЭЖ, 1999, №4.
- 17.Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. – м.: Экономика, 2007. - с. 23
- 18.Алимардонов М.И., Тўхсанов Қ.Н. Солиқ назарияси. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.
- 19.Аллахвердян Д.А. Государство без налогов. / М.: Знание, 1960
- 20.Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
- 21.Боймуротов С. Солиқ имтиёзлари ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий фаолиятига таъсири // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. – 2007. - № 8 (14). – 24 б.
- 22.Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
- 23.Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
- 24.Вахабов А.В. ва бошқ. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Бактрия пресс, 2013. – 288 б.
- 25.Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
- 26.Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009

- 27.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма.
- Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
- 28.Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
- 29.Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Налоги в Республике Узбекистан в 1997 г. -Т.:
1998.
- 30.Горский И.В. Налоги в рыночной экономике. – М., 1992.
- 31.Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. – СПб.: Питер, 2009. – с. 320.
- 32.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой
стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
- 33.Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003
- 34.Ибрагимов Ғ.А., Якубов У.К. Ташқи иқтисодий фаолият таҳлили. Ўқув
қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 164-б.
- 35.Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. Учебное
пособие. – М.: Омега М, 2010
- 36.Колмикова Т.С. Инвестиционный анализ. – М.: Высшее образование,
2010. – с. 204.
- 37.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш.
Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.
- 38.Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. – М.: ИНФРА-М,
2008.- с. 567
- 39.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –
Т.: Академия, 2002. - 166 б.
- 40.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.:
Молия, 2009.
- 41.Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и
доп. – м.: Инфра, 2008. - с. 33
- 42.Налоги: Учебное пособие, под ред. Черника Д.Г. М: Финансы и
статистика. 1995.- 400 с.
- 43.Налоги: Учебное пособие. Под редакцией Д. Г. Черника. – М.:
ЮНИТИ, 2008.

44. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
45. Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. – Т.: 2000.
46. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
47. Рикардо Д. Начала политической экономии и податного обложения. - М.: Соцэкгиз, 1935. 296с.
48. Родионова В.М. Бюджетная реформа: содержание и проблемы. // Финансы. 1994, №7.
49. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268-б.
50. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. – М., Соцэкгиз, 1962. – с. 408.
51. Твердохлебов В. Финансовые очерки. М., 1916.
52. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
53. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.
54. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
55. Умаров Б. Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш. – Т.: ТМИ, 2005
56. Хасанов Р. ва б. Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнозлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 192-б.
57. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
58. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
59. Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
60. Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная

- политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2001.
- 61.Шарп У.Ф., Александр Г.Ж., Бэйли Ж.В. Инвестиции: Пер. с. англ. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 1028 с.
- 62.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 63.Эргашева Ш, Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -208 б.
- 64.Юлдашев З., Халилова Х. Миллий ва жаҳон иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 320-б.
- 65.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
- 66.Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: 2000. – 11 б.
- 67.Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Молия 2009-2014 йиллар ва 2015 йил 1-2 сонлари; - Иқтисодиёт ва таълим 2009-2014 йиллар ва 2015 йил 1-2 сонлари;- Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари.
- 68.Интернет сайтлари:
- http: [//www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- http: [//www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- http: [//www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- http: [//www.treasury.uz](http://www.treasury.uz)